

Гулбахор Ашуррова

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ  
ПОЭТИК МАҲОРАТИ

ИККИНГИ КИСОД

Тонъсон - 2010

83.3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ


ГУЛБАҲОР АШУРОВА

# АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ПОЭТИК МАҲОРАТИ

(Maxsus курс учун методик қўлланма)

Иккинчи китоб

Тошкент -



**83.3(5Ў)6**

**A94**

**Ашуррова, Гулбаҳор.**

Абдулла Ориповнинг поэтик маҳорати : (махсус курс учун методик қўлланма). К II / Г.Ашурова ; масъул муҳаррир Б. Тўхлиев; ЎзР олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги Тошк. Дав. пед. ун-ти. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. - 48 б.

**ББК 83.3(5Ў)6**

Ушбу методик қўлланмана бакалаврият босқичи ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши талабалари учун махсус курс ва семинар машғулотлари дастурлари асосида тузилган. Унда Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг поэтик маҳорати қирралари замонавий таҳдил усувлари орқали ёритилган. Бундан ташқари шоир ижодига тасаввуф адабиёти кўрсатган таъсир қирралари ҳам очиб берилган.

Методик қўлланмадан бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар, тил ва адабиёт ўқитувчилари ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

**Масъул муҳаррир:**

Филология фанлари доктори, профессор Б. Тўхлиев.

**Тақризчилар:**

Филология фанлари доктори, профессор Н. Комилов.

Филология фанлари доктори, профессор И. Ҳаққулов.

№1346-4671/2010.

ISBN 978-9943-06-312-9

Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти 2010

## КИРИШ

Ҳар бир қаламкаш ўзидан олдин яшаб ижод этган адилардан, ўзигача мавжуд бўлган адабий мерос ва анъаналардан ўзига хос тарзда ижодий фойдаланади. Таъбир жоиз бўлса, ижодкор учун бу ўзига хос илҳом манбаи бўлади. Зоро, рус адабиётшуноси А.Бушмин таъбири билан айтганда, «Ўтмиш даврларнинг буюк биллий кашфиётлари кўп йиллик ўсимликлар берадиган ҳосилга ўхтайди - ҳар бир авлод ундан ўз ҳиссасини териб олаверади»<sup>1</sup>.

Ҳар бир катта талантнинг бадиий ижодда қад ростлаши адабиёт ривожи учун ҳам, ҳалқ тафаккури ва миллий руҳининг юксалиши учун ҳам тақорорланмас ҳодисадир. Лекин бундай истеъодлар тезда пайдо бўлавермайди - уларнинг дунёга келиши учун баъзан кўп шакт талаб қилинади. XX аср ўзбек адабиётида эса бунинг акси содир бўлди, яъни ўнлаб улуг санъаткорлар камол топишди. Буларнинг айримлари, масалан, А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирлар зулм ва ноҳақлик курбони бўлишган бўлса-да, улар бошлаб берган янгиланиш йўли, ҳаёт ҳодисаларига очик кўз билан қараш, уларни тасвирлашдаги журъат, юксак инсонийлик туйғуларининг ёрқин ифодаси, ижодий йўналишлари адабиётимизни тарқ этмади. Шунинг учун ўзбек шеъриятида тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир ҳақиқий талантлар даври бошланди. Бу давр, албатта, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Жамол Камол, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим каби кўплаб ижодкорлар иоми ва ижоди билан узвий боғлиқдир. Абдулла Ориповнинг илк ижодий қадамлариданоқ шеърият муҳитида тубдан бир янгиланиш, янгича эстетик завқ ва мушоҳада бошланган эди десак муболага бўлмайди. У ўзининг илк китобини «Митти юлдуз» деб номлаган эди. Лекин йиллар ўтган сайин бу «Юлдуз» ўзининг ниҳоятда нурли ва маҳобатли эканлигини тўла-тўқис намоён эта борди. Бугун эса Абдулла Орипов шеъриятимизнинг энг ёруғ юлдузларидан бирига айланди.

Абдулла Орипов бир шеърида шоир умрини «куюн ичиди ўсган дарахт»га ўҳшатган эди. Ҳар бир дарахтнинг замини бўлганидек, шоирнинг ҳам камол топишини таъминлайдиган ижодий замин бўлади. Бу замин, энг аввало, адабий анъаналар ҳисобланади. Зоро, анъанага суюнмасдан, уни ижодий ўзлаштирмасдан бадиий ижодда

<sup>1</sup> Бушмин А. Наука о литературе. Проблемы. Суждения. Споры. – М.: Современник, 1980. - С. 154

илгарилаш мумкин эмасдир. Бу ҳақиқат ҳар бир шоир ижодиётида қайта-қайта тасдиқдан ўтади. Ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Орипов шеърияти бўйича кўп яхши ва эътиборли ишлар амалга оширилган бўлса-да, бу шеъриятнинг анъанага bogлиқ жиҳатлари маҳсус текширилмаган. Ҳолбуки, бу масалани ҳисобга олмай туриб, гоявийлик маъносидаги ҳам, бадиий маҳорат нуқтаи назаридан ҳам Абдулла Орипов ижодиётини холис баҳолаш қийиндир.

Анъана ҳақида гапирганда кўпинча гоя, образ ва тасвир усуллари атрофида баҳс юритилади. Лекин туйғу ва руҳоният анъанаси ҳам борки, биз у ёки бу тимсол хусусидаги қиёсий таҳлилларимизда ана шу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор бердик. Ҳудди мана шунинг учун ҳам Абдулла Ориповнинг руҳан тасаввуфга яқинлиги ва муносабати тўғрисида фикр юритиш зарурияти туғилди. Бундан ташқари, Абдулла Орипов бутун ижоди мобайнода инсоннинг инсонлик шарафини белгилайдиган ахлоқий, фалсафий муаммоларни бадиий тадқиқ қилишда алоҳида ўрнак кўрсатиб келаётган шоирларимиздандир.

Абдулла Ориповнинг тасаввуф доирасидаги ахлоқий-маърифий ҳамда бадиий-эстетик тасаввур ва талқинлари тасодифий эмас. Балки унинг ижоди учун хос бўлган чукур фалсафийликнинг янги тарихий шароитда юзага чиқиш шаклидир.

Ушбу ўқув методик қўлланмада шоирнинг юксак иқтидори, поэтик маҳорати маънавий-ахлоқий қадриятларга муносабати масалалари замонавий таҳлил ва талқин усуллари воситасида ёритилган.

Шунингдек, қўлланмадан бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар, тил ва адабиёт ўқитувчилари учун бой материал сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд.

## **ФАЛСАФИЙ-МАЪРИФИЙ МАҶНО ВА БАДИЙ ИФОДА МУШТАРАКЛИГИ (6 соат)**

### **Режа:**

1. Тасаввуф ва Абдулла Орилов ижоди.
2. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва замонавийлик.
3. Руҳ ва нафс муносабати.
4. Ҳасад ҳақида.
5. “Ҳаж дафтари” талқинлари

### **Таянч сўзлар:**

Тасаввуф, маърифат, маънавият, қадрият, ахлоқ, руҳ, нафс, фалсафиийлик, дин, тафаккур, тарих, ҳикмат, ҳақиқат.

### **Фойдаланиш учун адабиётлар:**

1. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996.
2. Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. -Т.: Маънавият, 1998.
3. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
4. Улуғбек Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007.
5. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. -Т.: Ёш гвардия, 1987.
6. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. -Л.: Наука, 1972.
7. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. -М.: Наука, 1965.
8. Мустақиллик даври адабиёти. Т.: F.Фулом нашриёти.2006.

Ҳар бир ҳалқнинг адабиёти унинг миллий руҳи, тафаккур тарзи, устозлар тажрибаси, маънавий ва ахлоқий-маънавий, диний-илоҳий тушунча ва қадриятларига таянади. Шунинг учун буларни назардан четга суриб адабий жараён мөҳиятини белгилаш ҳам, адабий анъаналарнинг бадиий ижоддаги роли ва аҳамиятини тӯғри баҳолаш ҳам мумкин эмас. Таниқли рус адабиётшуноси А.Бушминнинг «адабиёт ўзининг қонуний тараққиёт ҳаракатида ўтмишда эришилган фикр тажрибасини ўзлаштиради (ассимиляция қиласи)»<sup>1</sup>, – деган фикри ҳам буни тасдиқлади. Зоро, бадиий ижодда маъно, туйғу ёки ҳақиқат йўқ жойдан кашф этилмайди. Бунда дин ва фалсафа, маърифат ва маънавият,

<sup>1</sup> Қаранг: Бушмин А. Наука о литературе. -М.: Современник, 1980. - С. 152.

тафаккур ва ахлоқий қадриятларнинг ҳам ўз ўрни ва мавқеи бўлади. Ана шу боис XX аср охирларига келиб тил, тарих, дин ва тасаввуф таълимотига янгидан қизиқиш эҳтиёжи туғилди.

Тарихдан яхши маълумки, тасаввуф ўзбек халқининг ижтимоий, маданий, фалсафий ва адабий ҳаётига кучли таъсир ўтказган таълимотлардан ҳисобланади. Мумтоз адабиётимизнинг намояндадаридан кўпчилиги маълум бир тариқатнинг вакиллари бўлишган. Бу эса ўзбек адабиётидаги фоя ва образлар оламининг кенгайиши ва бойишига ёрдам берган.

Маълумки, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр сингари ижодкорларимиз соф диний-тасаввуфий адабиётининг вакиллари бўлган. Чунки, шеър уларга ирфоний фикр-қарашлар талқини ва тарғиби учун муҳим бир восита эди. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб сингари санъаткорларга эса тасаввуф шеъриятни ривожлантириш учун ўзига хос бир фикр, туйғу манбаи эди.

Тасаввуфнинг адабиёт, хусусан, шеърият билан, шеъриятнинг тасаввуф билан яқинлашуви тасодифий ҳодиса бўлмаган. Чунки худди адабиёт сингари тасаввуф ҳам инсон ахлоқи, қўнгли, руҳи ва тафаккури билан машғул бўлишни қўллаб-қувватлаган. Бундан ташқари, филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, «Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги яқинликни сўфиylар ва ижодкорларнинг руҳан яқинлигидан ҳам изласа бўлади»<sup>1</sup>. Олим, сўфиликдаги «жазба» истеъоди билан ижодкорлиқдаги жазба мувофиқлигига диққатни қаратиб, яна шундай дейди: «Киши қалбida Илоҳни билиш муҳаббати, Унга етишиш завқи шу қадар кучли бўладики, у ўзини тўхтатиб туролмайди. Ҳамма нарсани унутиб, Маҳбуба жамолига талпинади... Ана шу дард - жазба тушунчasi дарвешлик билан шоирликни, кенг маънода эса тасаввуф билан ижод хусусиятларини бир-бирига яқинлаштиради. Яъниким, дарвешлик истеъоди, файри табиий хислатга молик бўлиши шоирларга ҳам хосдир демоқчимиз»<sup>2</sup>.

Албатта, Абдулла Ориповни мутасаввуф ижодкорларга яқинлаштиришга уриниш ёки унинг шеъриятидан сўфиёна маъно ва туйғуларни ахтариш тўғри бўлмайди. Лекин унинг шеъриятини тасаввуфдан бутунлай ажратиб ўрганиш ҳам мумкин эмас. Зоро, бошқа шоир ва ёзувчиларнинг тажрибаларини ҳисобга олмагандা

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 156 б.

<sup>2</sup> Уша манба. –136 б.

**ҳам Абдулла Ориповнинг Навоий анъаналарига чуқур боғланғанлигининг ўзиёқ шоир шеъриятининг қайсиdir бир жиҳатлардан тасаввуфга яқиилигини ёритишга асос беради.**

Буни адабиётшунос олим Улугбек Ҳамдам шундай ифодалайди:

«80-йиллар шеъриятида ҳам деярли шу ҳол ҳукм сурган. Бунинг устига мамлакатда рўй берган либерал кайфият туфайли шеърларда ялонғочлик, бадииятсиз панд-насиҳат, қуруқ чақириқлар, ёзғиришлар кучайган. Бир сўз билан айтганда, шеъриятни публицистика деярли маҳв этаёзган. Айни чоғда, таъкидлаб айтиш жоизки, бу ўн йиллик ижтимоий-сиёсий жиҳатдан турли бурилишларга—кўтарилиб туришларга бой бўлгандек, адабиётда ҳам хилма-хил рух-кайфият ҳукм сурди. Хусусан, тасаввуф оҳангларининг кириб келиши ва умуман, бир ёнда оташин чақириқларга тўла шеърият, иккинчи ёнда эса дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасидан гўёки қўлини ювиб қўлтиғига урган ҳамда ирфоний маърифатга интилган шеърият пайдо бўлди»<sup>1</sup>.

Рус адабиётшуноси Б.Мейлах «Пушкин ва Жуковский» деган мавзунинг жуда долзарблиги хусусида баҳс юритиб, бу мавзу фақат Пушкин ижодий эволюциясида Жуковскийнинг ролини ўрганиш жиҳатидан эмас, балки умуман шеърият йўли ва ижод тақдирини аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>. Албатта, Навоий, Бобур ёки Машрабнинг тасаввуфга қараши билан Абдулла Ориповнинг тасаввуфга муносабати бир-биридан фарқланади. Шунга қарамасдан, Абдулла Орипов ижодиётида ҳаётнинг мураккаб муаммолари, хусусан, инсон қалби ва руҳий оламида пинҳон ётган илоҳий ҳис-туйғуларни акс эттиришда тасаввуфий шеърият тажрибаларига таяниш майллари ҳам мавжуд эканлигини эътироф қилиш зарур бўлади. Бироқ шўро замонида бунинг тамомила тескариси бўлган эди. Шунинг учун шоир кейинроқ босилган адабий сұхбатларидан бирида, «Вақтида мени сўғизмда айблаганларнинг ўзи бугун сўғийлик қилиб юришибди...»<sup>3</sup>, – деган эди. Ҳолбуки, Абдулла Ориповни сўғийликнинг зоҳирий томонлари қизиқтиргмаган, уни асосий моҳият ўзига ром этган.

Бу нарса шоирнинг қўйидаги фикрларидан ҳам осон

<sup>1</sup> Улугбек Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 82 б.

<sup>2</sup> Мейлах Б. Талисман. Книга о Пушкине. – М.: Современник, 1984. – С. 72.

<sup>3</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилд. – 143 б.

англашилади: «Машраб, Насимийларни «Мен-худоман» деганилари учун осишган, териларини шилишган. Улар албатта илоҳ эмасдилар. Хўш, у ҳолда улар бу гапни нега айтдилар? Нега бу гапни айнан тушуниб, соҳиб забонларни қатл қилганлар? Хўш, Машрабнинг ўзи билмасмиди ўзининг Оллоҳ эмаслигини? Аксинча, Машраб: Оллоҳ менинг қалбимда, деган чуқур фалсафани айтган. Катта тасаввуф бу. Ваҳдат ул-вужуд, Ваҳдат ул-воҳид деган катта дунё-қарашдан келиб чиққан гаплар бу»<sup>1</sup>.

Ана шу «катта дунё-қарашдан келиб чиққан» «катта тасаввуф»нинг руҳи ва мағзини тўғри англай олганлиги учун ҳам Абдулла Орипов тасаввуфий адабиётга беписанд қарамаган эди. Аммо бу хусусда ҳам шўро замонида очиқ баҳс юритиб бўлмасди, албатта. Чунки, у ёки бу шоирни сўфиийлик дунёсига яқинлаштириш унинг ижодини қоралаш, камситиш, яъни замонавийлик талабларидан йироқлаштириш билан қарийб баробар бўларди. Мустақиллик мафкураси эса ҳар бир ҳодисани ўз номи билан айтиш ва талқин қилишга йўл очди. Шунинг учун тасаввуф ва тасаввуф адабиёти вакиллари адабий мероси билан Абдулла Орипов шеърияти муносабати махсус текширилмаган бўлса-да, бу хусусда баъзи олим ва ижодкорлар ўз фикр-мулоҳазаларини илгари суришган. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони, Қорақалпогистон ҳалқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергановнинг эътирофи бўйича, Абдулла Орипов «ўз ижоди билан Аҳмад Яссавий асос солган фалсафий шеъриятимизга қайта жон ато этгандир»<sup>2</sup>. Шунингдек, унинг ҳукмига кўра «халқона тилнинг ширадорлиги, ўзбекона идрокнинг теранлиги ва шарқона донишмандлик билан бир қаторда туркӣ сўз кўркини ҳам аён кўрсатиб турувчи» шоирнинг қуйидаги тўртлиги «чуқур фалсафий - тасаввуфий мазмун - мундарижага» эга:

*Булбул ўғай эрур зоғлар орасида,  
Югурик сув ўғай тоғлар орасида.  
Муҳаббат дардидан бемор қалбларимиз,  
Ўғай бўлсанк не тонг соғлар орасида.*

Чиндан ҳам ушбу тўртликнинг, айниқса, кейинги икки мисрасида дарвешлик қаноатига яқин бир туйғу ўз аксини топган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиш зарур деб ўйлаймиз. Профессор Н.Комилов ёзадики, «Алишер Навоийнинг фикрича, дарвешлик хислати бўлмаса, истеъдод улуғ мақсадга хизмат

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилд. – 168 б.

<sup>2</sup> Қаипбергенов Т. Зар қадрини заргар билар // Аму тонти. – 1999. – 16 янв.

қилолмайди, шу учундир балки шоирлик ва дарвешлик истеъодини мужассам этган кишидан қўпини у «Мажолис уннафоис» асарида келтириб маҳсус таъкидлаб ўтган<sup>1</sup>. Бизнингча, Абдулла Ориповнинг шоирлигига дастлаб кўпчиликнинг ҳайрон қолиши ва шеърларининг зўр қизиқиш билан ўқилганлигининг бир сабаби уларда дарвешона эркинлик ҳисларининг ҳам мавжудлигига эди. Дарвешлик ҳақида ёзган олимлар унинг ҳурлик, Ҳақни таниш, маърифат соҳиби бўлиш, хоксорлик, холислик каби хусусиятларини алоҳида таъкидлашган.

Абдулла Орипов бир неча шеърларида айнан дарвешона майл ва ҳиссиятларини тасвиrlаб берган. Хусусан, унинг

*Бу гулсан водийда мен ҳам бир шамол,*

*Шамол каби келдим, шундай кетурман,*

каби мисралари бунга ёрқин далилдир. Умуман, шоирнинг олтмишинчи йилларнинг ўрталари ва етмишинчи йилларнинг бошларида ёзилган кўпчилик шеърларида ўткинчи дунёнинг майда интилиш ва ташвишларига қарши шиддатли исён мавжудки, буни қарамлик, тобелиқдан безиб, ҳурриятга интилган дарвешваш юрак эҳтироси дейиш мумкин. Абдулла Ориповнинг дарвешлик майллари тўгрисида танқидчи ИброҳимFaфуров шундай дейди: «Абдулла Орипов ўша чоғларда (олтмишинчи йилларнинг бошларини назарда тутяпман) ақлли ва хаёлчан эди. Ўзига сифмаган, ўзини тўла англамаган, лекин мағзи билан одамларни ром қила бошлаган ақл, не ажабки, дарвешликка ундар эди. Ақл билан боғлиқ дунё доим зид. Ақл қанчалик ўткир бўлса, бу зиддиятнинг шиддати ҳам шунчалик кучли. Бизнинг ҳисобпараст дунёмиз дарвешликни ёқтиrmайди. Шоир буни тушунади. Дунё дарвешликка тоқат қиломаса, жилла курса, дарвешлик билан чиқишиар дейди. Шоир табиатнинг дарвешваш майлларидан мағқура қизгинликлари учун воз кечолмайди. Лекин, баъзан замонасозлик қилиб коммунизм ва унинг сифат ҳужжатларини улуғлаб қўяди. Лекин дарвешваш хаёлдан ҳеч қачон, ҳеч бир шароит, вазиятда воз кечмайди<sup>2</sup>. Агар шоир ўша «дарвешваш хаёлдан» воз кечганида унинг қалбida мана бундай мисралар туғилмасди:

*Дўсти ғариб,*

*Кел, қўлингни тут.*

*Юрагингда ёқай аланга.*

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. 1 китоб. – 157 б.

<sup>2</sup> Faфуров И. Дијл эркинлиги. –Тошкент: Маънавият, 1998. – 130 б.

*Кел, бир зумга дунёни унут,  
Кутарайин сени баландга.*

Маълумки, дарвешликнинг асосий талабларидан бири «тарки дунё»дир. Дунёни тарк қилган киши қўнгилни дунёнинг ҳамма ташвиши ва гуссалари, қийинчиликларидан фориғ этади. Таркидунёнчиликка чорлайдиган шеърлар мутасаввиф шоирлар ижодида тез-тез учрайди. Абдулла Ориповнинг «Чорлаш» шеъри ҳам моҳият нуқтаи назаридан ўша шеърларга яқин, лекин унда эски бир ҳақиқат янгича тарзда ифодаланган. Шеърдаги «кел, бир зумга дунёни унут» деган фикр, аслида, «тарки дунё» тушунчасига тенгdir. «Дўсти фариб» эса «нафс ила дунёга» қўнгил бермаган кишининг тимсоли. Шу ўринда «шоир нега ўқувчини дунёдан юз буришга чорламоқда?» деган савол туғилади. Бу саволга мана бу байтда жавоб бор:

*Пастда қолсин нобакор хилқат,*

*Пастда қолсин танбал булутлар.*

«Ўзбек тилининг изоҳли луфати»да (I том. -М., 1981. 505-бет) «нобакор» сўзи «хулқ-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати ёмон одам», «ярамас, ноқобил» деб изоҳланган. «Хилқат» эса вужуд, борлиқ дегани. Демак, шоир «нобакор хилқат» деганда, хулқ-атвори ёмон, ярамас ва ноқобил нафсоний дунёни назарда тутган. «Танбал булутлар» эса рамзий мазмунга эга бўлиб, у танбал, лоқайд. юраги оташ ва зиёдан йироқ кимсаларга ишорат қиласди. Шоир:

*Юрагингда чақнасин фақат,*

*Ёруғ хаёл, самовий ўтлар.*

деганида ҳам ўша «дўсти фариб» қиёфасида сийрати нурли ҳур инсонга юзла-шишни орзу қилган. Чунки бундай кишининг қўнгли ёруғ хаёл, самовий ҳиссиётлар хазинасидир. Навбатдаги сатрлардаги мазмун эса руҳни боқий, вужудни ўткинчи ва фоний деб билган дарвешларнинг орзусига тўла мос ва мувофиқdir:

*Юксакларда чарх уриб айлан,*

*Руҳинг мангу турсин ёришиб.*

*Улганда ҳам вужудинг билан,*

*Кетмагайсан ерга қоришиб.*

Факир ва дарвешлар шон-шуҳрат, мол-дунё ҳирсидан юракни поклай билган сабр-қаноатли ва хотиржамликни қадрловчи зотлар бўлганлар. Улар шу фазилатлари билан ҳам бошқалардан ажралиб туришган. Бизнингча, «Номаълум одам» шеърининг қаҳрамони табиатан дарвеш қавмига яқин бир шахс. Ушбу шеърга И.Фафуров,

Б.Норбоев, Я.Қосимов каби тадқиқотчилар махсус тұхталиб үтишган. Жумладан, Б.Норбоев уни «ұта реалистик асардир» деб баҳолайды. Аммо унинг асосий холосаси: «бизни фаоликка әмас, жим яшашта үндайды»<sup>1</sup> деган жумлаларда ифодаланған.

Сиртдан қараганда, бу холосага құшилиш жоиздек түюлади, чунки «Номаълум одам» үз феъл-автори, дунё воқеа-ҳодисаларига қараши билан үзи мансуб ижтимоий мұхитдаги «фаол» кимсалардан бутунлай фарқ қиласы. Бироқ унинг «жим яшаш» и ва сокинлигіда ботиний, яғни маңнавий-рухий фаоллик бор. Шунинг учун у айримлар назарида лоқайды ва сүсткаш бұлып құринганды. Ҳолбуки, унинг күzlариде «Йироқ юлдузларнинг сири нурлары» порлайды. Унинг маърифати ва донолиги барча «майда ғалва»лар үткинчи, «бари нокерак» эканлигини англай билганилгидадыр. Бизнинг назаримизда, мунаққид М.Қаршибоев «Номаълум одам» шеърининг асосий ғоясина, лирик қаҳрамонга хос хусусиятларни тұғри тушунған ва изоҳлаган. Биз унинг «шеър авжида сатрлар улуғ мұтасаввуфлар қаломига бенихоя ҳамоҳанг бұлып кетады» деган холосасыға ҳам, «Номаълум одам» қысматига шұро тузуми» құрсағтан таъсир хусусидеги ҳукмігі<sup>2</sup> ҳам құшиламыз.

Номаълум одам бошқаларға үхшаб ҳаёт кечириб, «шошиб ишга бориб, секін қайтса ҳам» «баъзіда юраги ёнгани билан» бунга парво этмаган бұлса-да, мудом қаноат ва хокисорлик билан умренинде үтказған, эътиқодига қарши юрмаган. Шу боис «шоншұхрат талашған турфа хил ғаріб», «шұрлік кимсалар» ахволига кулиб қараган. Шунинг учун ҳар жойдан илинж ахтарынан юрмаган. Эң мұхими, «Насаб, икир-чикир, мол-мұлк ташвиши» уни заррача ҳам жонсарап этолмаган. Шу боис замин унинг буюк қалби олдида бамисоли бир «тариқ»қа айланған:

*Тариқдай заминнинг устида беүн*

*Яшаб үтди шундоқ буюк бир юрак.*

Оламнинг ҳар түрли майда ғалваларига құл силтаб, үзини күзкүз қымасдан, хотиржам ва бетаъма яшай олиш дарвешлика хос хусусият әмасми? Бироқ Шұро замонлариде бундай кишиларни сүсткашлиқда, лоқайдилкка айблайдыған кимсалар ҳар қадамда учраши мүмкін эди, («Лоқайдни дүппосла деса әхтимол, унга ёпишарди нокаснинг бары») лекин уларни қадрлайдыған ва англайдығанлар топилиши даргумон эди:

<sup>1</sup> Норбоев Б. Истиқолол ва истеъдод тарбияси. – Тошкент: Үқитувчи, 1996. – 47 б.

<sup>2</sup> Қаршибоев М. Ұнглаптамаган тақдир талқини. – Тошкент: , 1995. – 20-23 б.

*Қайдан келганди у? Билмади кимса,  
Қабрга ҳам жим-жит кириб кетди у.  
Менимча, дунёнинг устидан роса  
Мириқиб қаҳқаҳа уриб кетди у.*

Шу ўринда Аҳмад Яссавийнинг «Жондин кечган чин ошиқ», яъни дарвешлар ҳақида айтилган «Дунё келиб жилва қилса, боққони йўқ» деган сўзлари ёдга тушади. Абдулла Ориповнинг «Номаълум одам»и дунё макри ва ҳийалаларига алданмаганлиги учун ҳам дунёнинг устидан «мириқиб қаҳқаҳа» ура олган эди ва бу «қаҳқаҳа»нинг замирида ҳақиқатда ҳам дунёни «хўп теран» англаган ва ундан ўзича баланд кўтарилиган дарвешсифат инсоннинг маънавий-руҳий куч-куввати мужассамлашган.

Абдулла Орипов шеъриятида бир қанча диний-тасаввуфий тушунча ва ҳақиқатлар мавжудки, шоир уларни ҳам янгича поэтик усул ва образлар орқали талқин қилиб беришга эришган. Шулардан бири Узлатдир. Тасаввуф луғатларида шарҳтанишича, «Узлат - фикр одамини оломоннинг фикрсизлик гавғолари, жаҳолат ва ахмоқлик ғалваларидан муҳофаза этадиган дахлсиз бир ибодатгоҳ»дир<sup>1</sup>.

Абдулла Ориповнинг «Узлат» шеъри худди ана шундай руҳий заруриятдан туғилган. Шу боис ҳам шеър:

*Менга узлат керакдир,  
Издиҳомдан тўйғанман,  
Тўда-тўда жойларга  
Энди бормай қўйғанман.  
Изтиробли турмушнинг  
Савдоси зўр бағоят,  
Инжа, нозик руҳни у  
Енгib олди ниҳоят.-*

деган изтиробли фикрлар билан бошлаган. Шеърда «узлат истаги» ва «ёлғизлик дарди»нинг ижтимоий, ахлоқий сабаблари ҳаққоний кўрсатилган. Лирик қаҳрамоннинг, «ҳаттоқи жонзотлардан безган бир дарвешсифат»га қиёсланиши ҳам ишонарли. Бироқ биз бунда ҳам узлатнинг тасаввуфий мазмунидан тубдан фарқланадиган оригинал талқинига дуч келамиз. Яъни шоир сўфийларга ўхшаб, ёлғизлик гӯшасидан эмас, балки ҳалқ юрагидан нажот ва паноҳ излайди. У дунёда «неки бор бевафо, кўрган-кечирганларининг бариси бебаҳо» эканлигини тушунгани

<sup>1</sup> Чори И. Тасаввуф луғати // Тафаккур. – Тошкент, 1997. – I-сон.

ҳолда, «Мен узлатни элимнинг юрагидан ахтаргум, Ўқсукларнинг энг пинҳон тилагидан ахтаргум» дейди. Бу фикр-хulosани биз узлат ҳақида ёзган ўтмишдаги ҳеч бир шоир ижодиётида учратмадик. Демак, бунда тасаввуфий тушунча шоир гоявий-эстетик мақсадини ифодалаш учун бир восита вазифасини бажарган.

Тавба куфрдан қайтиш, шариат тақиқлаган ишлардан кечиш, ҳақдан ташқаридаги нарсалардан воз кечиш билан бир қаторда, «ўз нуқсонларини кўра билиш, ўзининг аҳволини англаш, қабиҳ ишлар, қабиҳ феъл ва қабиҳ фикрдан қайтиш, дунёнинг маънисизлиги, арзимаслигини англаб, зулму адолатсизлиқдан қайтишни ҳам билдиради»<sup>1</sup>. Тавба - қилинган хато ва нуқсонли ишлардан туғиладиган пушаймонликдир. Афсус чекиши тавбанинг натижаси ҳисобланади. Абдулла Ориповнинг «Йиллар армони» шеърида тавба руҳи ҳоким. Инсон тавба эшигига етганда, албатта, ноқислик, қусуркорлик, «Кимгадир айтилмай қолган бир раҳмат», «Кимдандир сўралмай қолган узрлар»ни ўйлаб ўзича армонга берилади.

Тасаввуфда тавбанинг босқичлари учта деб белгиланган экан. Биринчиси «дил-дилдан пушаймонлик, иккинчиси тилдаги узр ва кейингиси ёмонликлардан халос бўлиб, ёмонлар ва мунофиқлардан алоқани узмоқ»<sup>2</sup>. Абдулла Орипов «Йиллар армони» шеърида тавбани инсон юрагидаги аламларни енгиллатувчи бир маънавий қувват сифатида талқин қиласди:

*Инсонга тобемас замон инчунун,  
Инсон юрагида аламлар қат-қат.  
Факат бир таскин бор барчаси учун,  
Афсус чека билсак шу ҳам бир давлат.*

Умуман, тасаввуф руҳи билан яшайдиган, шу руҳдан баҳраманд бўлган бошқа шоирларга ўхшаб Абдулла Ориповда ҳам тавба ҳиссияти кучли. Шунга кўра ҳам унинг «Маломат тошлари», «Умр қисқа эди», «Инсон манзараси», «Қўриқхона» каби ўнлаб шеърлари тавба, истигфорга даъват мазмунида яратилган. Шоир ижодида тавба масаласига бағишлиланган шеърнинг мавжудлиги ҳам тасодифий эмас. “Тавба” шеъри қуйидаги сўзлар билан бошланади:

*Сен гуноҳ қилдингми, бечора банда,  
Сен шайтон макрига учдингми ногоҳ.*

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ёзувчи, 1996. 1-китоб. – 126 б.

<sup>2</sup> Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. - Т.: Маънавият. 1998. – 111 б.

*Тинчинг қолмадими руҳ ила танда,  
Энди надоматлар бўлдими ҳамроҳ.*

Тавба бир маънода афсус, ўкинч ва надоматларнинг инсонга ҳамроҳ бўлишидир. Бундай ҳолда инсон ўзича чора излаб, нажот ахтаради. Лекин, унда баъзан шоир таъкидлаганидек, «Қопқалар ёпилган, остоналар берк»ка ўҳшаб туюлмоғи мумкин. Фақат ҳақиқий тавбагина одамни иккиланиш ва ожизликлардан халос қила олади. Тавба инсоннинг том маънодаги пасткашликни, нодонлокни, жаҳолатни тўла англаб етиши, унинг маънавий баркамоллик сари йўл тута бошлаганинг белсидир. У инсоннинг маънавий юксалишидаги ўзига хос босқичидир. Шоир шунинг учун ҳам ўқувчини ишонч билан тавбага ундаиди:

*Йўқ, ҳали оламда мавжуддир шафқат,  
Йўқ, ҳали тебранур меҳр бешиги.  
Тавба қил, тавба қил, тавба қил фақат,  
Сенга очиқ фақат тавба эшиги.*

Бизнинг фикримизча, Абдулла Ориповнинг дунёқараши ва шеъриятига тасаввуф кўрсатган таъсир ва ундан туғилган натижалар борасида Фикр юритганда кўпроқ Руҳ ва руҳоният муаммосига алоҳида эътибор қилмоқ зарурга ўҳшайди.

Шоир минг тўққиз юз етмишинчи йилда босилган шеърлар тўпламини «Руҳим» деб номлаган эди. Унда шу номдаги шеър ҳам жой олган. «Руҳим»да янги давр шеъриятида ҳали айтилмаган фикр тасвирланган, яъни шоир инсон руҳининг асл моҳияти ва сирлари тўғрисида янги бир гапини шеърхонга етказган. Абдулла Ориповнинг руҳдан баҳс юритиши ҳам, бизнинг ўйлашимизча, мумтоз адабиётимиз анъаналари ва таъсирига ҳам бевосита боғлиқ. Чунки «Руҳим» шеъри яратилган вақтларда, ҳатто ундан анча олдинги даврларда ҳам замонавий ўзбек шеъриятида руҳ ва руҳониятга бағишлаб шеър ёзиш анча хатарли эди. Бунинг асосий сабаби эса руҳнинг илоҳий ҳодиса эканлиги ва бунга диққатни қаратиш шўро мағкураси андозаларига тўғри келавермаслиги эди. Шундай шароитда ҳам Абдулла Орипов чин шеърият талабларига содиқ бўлгани ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий асарларини чуқур ўргангани боис «Авлодларга мактуб» шеърида:

Бир кун айтибдурки Навоий бобо:  
*«Доим ўзга бўлур суврат ила руҳ»,*  
- деб ёзган эди.

«Авлодларга мактуб» 1966 йилда яратилган. Орадан қарийб тўрт йил ўтгач, «Руҳим» шеъри дунёга келган. Гап шундаки, Навоий

тілкіділдеган суврат ила рұхнинг фарқи тұғрисидаги тушунча «Рұхим» шеърининг ғоявий асосини ташкил этади. Шеърда суврат ша рұх муносабати вужуд ва рұх шаклида талқын қилинганды, бунда ҳам Навоий фикрига заррача бұлсın қарама-қаршилик ійү.

Хүш, рұхнинг үзи нима? Рұхнинг талаби ва камоли нималардан иборат? Адабиётшунос И.Хаққұл Сулаймон Бекирғоний шеъриятига бағищланған бир мақоласыда рұх тұғрисида атрофлича мұлоҳаза юритиб, жумладан, бундай дейди: «Айрим ислом олимлари рұхнинг латиф ва оташли жисмға үхашашигина исботлашта урингандар. Қуръони Каримнинг йигирмадан ортиқ оятыда рұх сүзи мавжуд: «Эсланг. Парвардигорингиз фаришталарға деган эди: «Албатта, мен лойдан бир одам яратгувчи дірман. Бас, қачон уни ростлаб, унга үз рұхимдан пуллаб киргизганимдан сұнг, унга сажда қылған ҳолда йиқилдинглар. (Сод сураси: 71-72). Демек, инсондаги рұх-илохий рұх. Шунға күра у Рұхға бўйсуниши, рұхоний әхтиёж ва ҳузур ичидә яшамоғи шарт, чунки Рұх инсонни фақат эзгулик, гўзаллик ва маърифатга чорлайдиган ҳақ ҳадасидир<sup>1</sup>. Энг муҳими эса, Шайх Азизиддин Насафий таъкидлаганидек, «рух такомиллаштирувчи соғ бир курдатдир. У парчаланмайды, аъзоларға бўлакланмайды, уни қисм-қисм қилиб ажратиш мумкин эмас»<sup>2</sup>. Абдулла Орипов рұх ҳақида:

*Сенга на бурунлар кор қила олур,  
Сени на йүқотиб, бор қила олур.  
Сен мисли камалак-юксак ва сұлмас,  
Камалакни эса парчалаб бўлмас.*

деганида айнан юқорида изохланған мөхиятта таянған. Чунончи, Насафийнинг «Рұх парчаланмайды, аъзоларға бўлинмайды», деган фикри ҳамда Абдулла Ориповни камалак ташбеҳи билан ифодаланған образли холосаси деярли бир хил. Гап бунда фикрнинг үхашашигыда эмас, албатта. Балки рұхнинг илохийлигига оид қарашлардан узоқлашилмаганида. Энди рұх ва вужуд муносабати масаласига қайтсак. Нафс вужуднинг асосий хусусиятлари ва әхтиёжларини ифодалаганлиги учун ушбу муаммо нафс ва рұх ёки рұх ва нафс тарзида ҳам ёритилған. Бунинг бир мисоли Сулаймон Бекирғонийнинг нафс ва рұх мунозарасига бағищланған ҳикматидир<sup>3</sup>. Рұх олами - ишқ, гўзаллик, нафосат,

<sup>1</sup> Ҳаққұл И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. - 41-42 б.

<sup>2</sup> Шайх Азизиддин Насафий. Зубдатул-ҳақойиқ // Тафаккур. – Тошкент, 1997. - 5-сон.

<sup>3</sup> Бу ҳикмат таҳлили ҳақида қаранг: Ҳаққұл И. Ирфон ва Идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. - 41-43 б.

диёнат, имон ва эътиқод олами. А.Абдуқодировнинг қайд этишича, «Руҳ тасаввуфда ишқ ҳамдир»<sup>1</sup>. Вужуд олами - моддий эҳтиёжлардан юзага келадиган ўткинчи талаб ва хусусиятлар олами. Шунинг учун Заҳириддин Мұхаммад Бобур бир рубоийсида:

*Рухим яратиб әдинг латофат бирла,  
Қылдинг анга тани ҳамроҳ оғат бирла.  
Руҳимни чу тан эвига келтирдинг пок,  
Мундин бори элитта касофат бирла.*

деб ёзган эди. Лекин «тан эвига» пок киритилган руҳ қусур ва касофатлардан холи, вужуд зулмларидан озод ҳолда яшашни жуда қийин. Вужуд ва руҳ орасидаги ихтилоф ва зиддиятларнинг замини ҳам ана шунда. Умуман олганда, Абдулла Ориповнинг «Руҳим» шеъри Навоийнинг «Доимо ўзга бўлур суврат ила руҳ», деган фикрининг ўзига хос шеърий исботига ўхшайди. Абдулла Орипов бу ўзгаликнинг сабабларини очишда руҳни мақташ ва вужудни қоралаш йўлидан бормайди. Балки фано ва бақо тушунчасига таянади. Шоир дастлаб, «Вужуд деганлари асли нимадир?» деган саволни ўртага ташлайди ва саволга жавоб қайтариб: «Дайр денгизида юрган кемадир», дейди. Лекин бу «кема»нинг умри мувакқат. Чунки:

Бир кун бир қояға урилгай кема...

Бас шундай экан, инсон фонийликни боқийликдан устун кўрмаслиги керак. Яъни руҳ «вужуднинг ғамини» емаслиги лозим. Зеро, руҳда «на оҳант» ва «на овоз» бўлмагани билан, у «юксак фазолар»га парвоз айлашга қодир. Бу парвозлар эса инсонни ҳақ ва ҳақиқатга яқинлаштириб, самовий ҳислар оғунида яшашга йўл очади.

Маълумки, мустақилликдан кейин тасаввуф ва тасаввуф адабиёти масалалари анча кенг ва эркин ўрганила бошланди. Бу ҳақда бир неча китоб ва рисолалар, кўплаб мақолалар эълон қилинди. Мазкур мавзуларда қалам тебратган олимларнинг кўпича бир масала устида алоҳида тўхталиб, баъзан бир-бирини такрорловчи, баъзида бир-бирини бойитувчи мулоҳазаларни илгари суришган. Биз эътиборни жалб қилаётганимиз бу масала - Нафс масаласидир. «Нафс жисмоний борлиқ ичидা, яъни вужудда мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатувчи бир қувватдурки, у барча ёмон хуликлар ва чиркин ҳаракатларнинг манбаидир. Бунга муқобил Руҳ қалбнинг таъсири остида Аллоҳга етишадиган маънавий бир

<sup>1</sup> Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати. - Хўжанд, 2000. – 26 б.

куч ҳисобланади».<sup>1</sup>

Ана шунинг учун мумтоз адабиётимизда, айниқса, унинг Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Машраб, Сўфи Оллоёр сингари буюк вакиллари Рухни улуғлаб, Нафс бандасига айланиш ёмонлик ва тубанлик тимсоли сифатида ҳар томонлама кенг талқин қиласланадиганлар. Абдулла Орипов бу шоирларнинг ижодларидан хабардор бўлган. Лекин у фақат хабардорлик билан ҳам чекланмаган. Бу даъвога мисол бўладиган бир далил Абдулла Ориповнинг «Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорлар» сатри билан бошланадиган шеъридир. Бу шеър бир неча жиҳатдан диққатга лойиқ. Унда шундай сўзлар бор:

*Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар сиз бу кун,  
Яссавий хок пойидан айлаб солинг тумморлар.*

Бу фикрлар ёзилган олтмишинчи йилларнинг ўрталарида Аҳмад Яссавий шахси, тариқати тўғрисида ижобий гап айтиш мумкин бўлмаганидек, унинг «Девони Ҳикмат»ини ўқишга ҳам имконият йўқ эди. Демак, Яссавий ва унинг ижоди қораланиб турган бир пайтда бу улуг зотни шарафлаб, нафсга тобе бўлиш ва дунёпарастликка қарши туришни ибрат қилиб кўрсатиш албатта, Абдулла Ориповнинг Яссавий дунёқараси ва ижодиётининг моҳия-тини билишидангина эмас, шунингдек, шижоатидан ҳам далолат эди.

Иккинчидан, шоир «Нафс ила» «дунёга дил» беришни фосиқлик деб баҳолар экан, бунда нафс, айниқса, нафси аммора ҳақида тўлиқ тушунчага эгалигини кўрсатган.

Учинчидан, мазкур байт орқали шоир нафс ва нафсоний ҳаётга нисбатан муносабатини аниқ акс эттирган. Шунинг учун бундай мисоллар Абдулла Ориповнинг мумтоз шеъриятимиз ғоявий анъаналаридан чуқур илҳомланганлигини асослашга хизмат қиласади.

У «Виждон» деб аталган шеърида «Магар кетар бўлса виждон бош олиб, Имон ҳам у билан бирга» кўчишини таъкидлаб, шундай дейди:

*Девлар қутулгандек Сулаймон ўлиб,  
Бетизгин туйгулар ҳар ён юргургай.  
Қалб деган истеҳком посбонсиз бўлиб,  
Энг аввал нафс унга ўзини ургай.*

<sup>1</sup> Ҳаққул И. Ирфон ва идрор. – Тошкент: Маъна ишларни таъсирлашадиган Алишер Навоий Номидаги

Хақиқатда ҳам қалб имон, эътиқод, диёнат, хусусан, Виждон атальмиш посбонларидан ажралса, Нафс қалб ҳокимига айланади. Нафс ҳукмронлик қилган қалбининг ҳолати ва фожеалари классик шоирлар томонидан жуда кенг тарзда тасвиранган.

Аҳмад Яссавий:

*Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.  
Ётса-турса шайтон била ҳамроҳ бўлур,  
Нафсни тебгил, нафсни тебгил, эй бадкирдор,*

-дейди ва бир қанча ҳикматларида нафсга таслим бўлган кишининг хор-зорликлари, гумроҳлик ва «шайтон била ҳамроҳ»ликдаги қилмишларини кўрсатиб беради. Бунда, албатта, Аҳмад Яссавий ўз даври ва замони фикрий талаблари, одамларнинг ҳолатига биноан қалам тебратган.

Абдулла Ориповнинг «Виждон» шеърида ўз олдига қўйган гоявий ният ҳам тахминан Аҳмад Яссавий қўзлаган мақсадга яқин. Шунга қарамай, Абдулла Орипов шеърида кўрсатилган нафсига таслим кимсаларнинг қиёфаси ҳам, қилмишлари ҳам мутлақо бошқача. Булар «Куппа-кундуз куни киприк қоқмасдан» ёлғон сўзлайдиган «даҳо»лар, «Умрида бир шам ёқмасдан» «машъял бўлмоқликни» даъво қилувчилардир. Нафс Қалб устидан ҳукмронлик этар экан, албатта, дунёпарамастлик ҳирси туғён қиласи. Аҳмад Яссавий бу масалада ҳам бир ҳикматида:

*Дунёпарамаст ножинслардан бўйин товла,  
Бўйин товлаб дарё бўлиб тошитим мано.*

- дейди. Абдулла Ориповнинг «Дунё» деб номланган шеърида Аҳмад Яссавийнинг дунёпарамастлик кулфатлари тўғрисидаги тушунчалари ўзига хос тарзida мантиқий давомини топган десак хато бўлмайди. Чунки бу шеърда айнан дунёпарамаст кишининг образи яратилган. Шеърда айтилишича, «Бир кимса умрининг сўнгига қадар» молу дунё ва сийму зар йиққан. Уни «На дўстинг ҳоли» ва «на қўшнисининг ўксик аҳволи» асло қизиқтиргмаган.

Нега шундай бўлган? Чунки, бу кимса «Фақат нафс ортидан от» сурган. Лекин, бир кун у ажал билан юзма-юз бўлгач, уни энди «на сийму зар», «на билур, на гавҳар» кутқара олмаслигини тушунган. Бу кимса Аҳмад Яссавийнинг «Дунё учун кам ема, Ҳақдин ўзгани дема» деган ўйтларига амал қилишни бирор марта хаёлига ҳам келтирмаган. Эҳтимол, унинг фожеасига бош сабаб ҳам ана шудир. У бешафқат ажалга тан берар экан, азалий ҳақиқат - умрнинг елдай кечиши ва бу фоний дунё бойликларининг

барчаси ўткинчилигини тушунади. Аммо бу жуда кеч эди. Мархумни дағын этишгач, унинг «қувончи - ғами уом тупроққа» айланади. Бизнинг назаримизда, Абдулла Орипов шеър хотимасида Аҳмад Яссавийнинг «аслинг билсанг оби гил, бир кун гилга кетаро», - деган фикрларидан таъсирланган, ўз қалбида руҳида унга ҳамоҳанглик түйган ва шунга уйғун тарзда:

*Уом тупроқ бўлди қувончи - ғами,*

*Кимдир боқиб деди: «Шунга шунчами...»* деб ёзган.

Хуллас, мумтоз адабиётимизда доимий равишда бадиий талқин қилиб келинган Рух ва Нафс муаммоси Абдулла Орипов шеъриятидан ҳам алоҳида бир үрин эгаллаган. Нафсни таслим қилиш, тъъма, кибр, адоват, ҳасад сингари ёмон иллатлардан покланиш демак. Абдулла Орипов тұртлукларидан бирида шундай дейди:

*Коинот гултожи инсондир азал,*

*Үндадир эң олий тафаккур амал,*

*Ҳатто у тубанлык ичра ҳам танҳо,*

*Ё фалак, ижодинг мунча мукаммал.*

Инсоннинг «тубанлык ичра ҳам танҳо»лигини кўрсатидиган иллат ва чиркинликлардан бири Ҳасаддир.

Шайтон васвасасига учиб, инсон қалбини нафс ўз ботқогига тортса, энг тубан иллатлар унинг ҳамроҳига айланади. Ҳасад барча ёмонликларнинг эшигидир. Пайғамбаримиз с.а.в.нинг куёвлари Ҳазрати Али: «Ҳасад ҳосиднинг адоватиндан, кибр ва шақоватиндан пайдо бўладурғон аҳлоқий замимадур. Шунинг учун ҳосид доимо азоби руҳоний ичинда яшар. Бир кишининг саодатини кўрган замон ҳасад оташига ёнар, Ҳосидга мундин ортиқ жазо бўлурми?»<sup>1</sup> дега ҳасадгўй аҳволини таъриф этганлар.

Ҳасад шундай қора ва чиркин иллатки, фийбат, бўхтон, туҳмат, тъъма каби ёмонликлариининг келиб чиқиши ҳам ҳасаддандир. Шу сабабли ҳам ўтмишда яшаб ижод этган шоир ва олимларимизнинг кўпчилиги ҳасад ва ҳасадгўйликни қоралаб, бу масалада жуда кўп ибратли фикрларни олға сурғанлар. Алишер Навоийнинг ушбу мавзудаги шеърлари навоийшунос И. Ҳаққул томонидан анча кенг таҳлил ва талқин этилган<sup>2</sup>. Навоийдан кейинги асрларда ижод қилган мумтоз адабиётимиз вакиллари ҳам ҳасад хусусида ўз сўзларини айтишган.

Абдулла Ориповнинг ҳасадга бағишлиланган шеърлари ўзининг

<sup>1</sup> Абдулло Автоний. Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ. - Тошкент, 1992. - 53 б.

<sup>2</sup> Қарант: Ҳаққул И. Занжирбанд шер қошида. - Тошкент: Юлдузча, 1989.

маъно чуқурлиги ва образли ифодаси билан Навоий, Бобур ва Огаҳий каби мумтоз шеъриятимизнинг атоқли намояндалари тажрибаларига бевосита боғланади, дейиш мумкин.

Абдулла Орипов ҳасад оғатлари ҳақида кўп мушоҳада қилган ва кўп ёзган шоирлардан бири. Бу хусусда ундан сўралганда шундай фикрларни баён этган: «Ҳасад - умуминсоний иллат, унинг миллати, дини, мамлакати бўлмайди. Бу иллат инсонга шайтони латин томонидан юқтирилган. Фақат маънавияти юксак одамгина бу қора иллатни ентиб ўта олади... Чиндан ҳам, бу мавзуда мендай кўп ёзган шоир кам бўлса керак».

Абдулла Орипов ҳасаднинг заарлари ва одамлар бошига ёғдирадиган оғатларини чуқур билганлиги учунми у ҳасад ва ҳасадгўйликни қоралаб анча сатрлар битган. Шоир «Ҳасадгўй ҳақида» деган тўртлигида ёзади:

*Ўзи oddийгина,  
Кам йўқ ишида.  
Тонналааб кўмир бор  
Лекин ичида.*

Ҳасадгўйлик билан ичиқоралик бир-бирига яқин. Бироқ шоир бу тўртликда ҳасадгўйликнинг асоси ичиқоралик эканлигини «тонналааб кўмир» ифодаси орқали ёритиб берган. Умуман, ҳасад нима ўзи? Унинг пайдо бўлишига сабаб нима? Бунга ўтмишда яшаб ижод қилган шоир ва ёзувчиларнинг кўпчилиги жавоб излашган ҳамда ўрни-ўрни билан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ёзib ҳам қолдиришган. Ҳасад ҳақида гапириб, уни танқид қилиб илдизини куритиб бўлмайди. Одам фарзанди бор экан - ҳасад бор. Нафсдан халос булиш қанчалик қийин бўлса, ҳасаддан қутилиш ундан ҳам қийин. Ҳасад яшар экан, душманлик ва ёмонлик ҳам яшайди. Шунинг учун ҳасад тўғрисида мулоҳаза юритмасликнинг ҳам имкони йўқ. Абдулла Орипов эса бундай мулоҳазаларнинг бир якуни сифатида «Момо офтоб» шеърида ёзади:

*Идроким борича яшадим фақат,  
Фаҳм эттим дунёни баимкон, қат-қат.  
Ёлғиз бир жумбоқча ақлим етмади:  
Қайдан туғилади билмадим ҳасад.*

Шоир ҳасадни «қора бир бало» деб атайди. Бу «қора бало» биринчи навбатда инсондаги «энг олий ҳислар»ни емиради, бутун кучини ёмонлик, душманлик каби разил майларнинг кучайишига сафарбар этади. Шу боис бўлса керакки, ҳақиқий

истеъдодлар кўпинча игво, ҳасад, адоват каби иллатларнинг қуршовида, улар билан курашларда тобланиб, ижод чўққиси томон олға интилишган. Абдулла Ориповнинг «Шоир ва илҳом» шеърида «илоҳий илҳомнинг тонгда кўз очиши», «ажиб шуълаларга бурканиб» ерга - шоири томон келаётган пайтида ифвогар ва ҳасадгўйга учраб не аҳволга тушгани рамзий ифодалар орқали тасвирланган:

*Илҳом пайдо бўлди таниш кўчада,  
Ўшандоқ безанган - қанотлари зар.  
Аммо бу гал уни хилват гўшада  
Кутиб турар эди осий Ифвогар.*

«Илҳом кўзини зарра очирмасдан» ифвогар илҳомга ташланади, «шоир сендан юзини ўтирган» деб «унинг бошига қиёмат» солади. Илҳом маъюс, боши ҳам бўлиб «минг щубҳада» шоир дарвозасига яқинлашади. Аммо дарвоза олдида уни ҳасадгўй кутиб олади:

*Чўлтоқ ҳассасини ўқталиб Ҳасад  
Илҳомнинг бошига туширди чунон,  
- Ким қўйибди сенга парвозни, номард,  
Бизлар ер юзида юрсак саргардон.  
Шундоқ деб илҳомнинг нозик ва майин  
Қанотларин ҳасад юлиб ташлади.  
Бу ҳам етмагандек, шафқат билмайин,  
Илҳомнинг юзига лойлар чаплади.*

Дарвоқе, ҳасадгўйнинг асл мақсади бирорвнинг «юзига лойлар чаплаш», унинг истеъдод қанотларини» «юлиб ташлаш». У ҳақиқатан ҳам шафқат билмайди. Шоирнинг қатъий хулосасига кўра «ҳасаднинг ижобий маъноси йўқ. У доимо қора рангда ёзилган»<sup>1</sup>.

Абдулла Орипов ҳасад билан ёнма-ён юрадиган нафснинг бошқа «фарзанд»лари бўлмиш адоват, кин, фийбат, хиёнат, таъма сингари ахлоқий иллатларни ҳам мазмун-моҳиятига мос келадиган «қора ранг»да тасвирлаб берган. Шоир бир тўртлигида:

*Ҳасад ва ёвузлик тўла дунёни  
Во ажаб эринмай қирқ ҳил куїлабман.*

- дейди. Ҳақиқатда ҳам Абдулла Орипов бу кўхна дунёнинг фақат яхшилик, ва гўзалликларини эмас, ёмонлик ва иллатларини ҳам барча қирралари билан кўрсатиб беришга интилган. Унинг ёзишича:

<sup>1</sup> Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. - 118 б.

*Виждан кетган жойда албатта, бир кун  
Илондек құзғолур бұқтоңу тұхмат.  
Бу ёруғ оламда одамзод учун  
Бормиқин улардан ортиқроқ қулфат...*

Кулфат, «ғийбату кин, ғараз бижғиб» кетишига сабаб бұлиб қолмасдан, одамларнинг одамдай яшаши, меҳр ва шафқат билан үзаро муносабат қилишларига қаршилик күрсатади. Ҳамма замоннинг ҳам үз иғвогарлари, таъмагир, риёкор ва товламачилари бұлған. Мұмтоз шеъриятимизнинг вакиллари улар ҳақида күп ёзишган. Бизнинг замондош адиларимиз, жумладан, Абдулла Орипов ҳам бу мавзунинг янги қирраларини топиб, китобхон эътиборига ҳавола этади. Ёмон иллатлардан бұлған таъма инсонлар бошига тушадиган фалокату-азоб сабабчиларидандыр. Таъма мавзуси ҳам классик адабиётимизда кенг ифодасини топған. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб шундай ёзади:

*Киши умдучи бұлса бұлун,  
Суюрқа ани сен, э күркі тұлун.  
Нече-ма бедуса күнгүл умдучи  
Кишида или умдучи ул тучи.*

(Киши таъмагир бұлса нарсага құл бұлади. Сен унга әхсон қыл, әй чиройи ой. Агарчи таъмагир бек бұлса ҳам қулдир. Кишилар орасыда тубани доим таъмагирдир).

Бойликга үчлиқ, күпроқ нарсаларга эга бўлиш ҳирси таъмага, олғирлик ва хушомадгүйликка ундаиди. Мәҳнат қилған ва ундан ҳақиқий маънода роҳатланған инсондан таъма ҳирси чекинади. Шунинг учун инсон факат одатий турмуш ташвишлари-ю, майдада-чуда ҳаёт әҳтиёжлари гирдобига ботиб қолмаслиги ва катта мақсадлар сари қалбни поклаб интилмоғи лозим.

Абдулла Орипов мұмтоз адабиёттинг барча илгор вакиллари қарашларини құллаб, қаноатни таъмага қарши құяди. Унингча, «инсон ҳар қанча саргардон бұлса» ҳам қаноатни бошига тож айлаши керак. Чунки, боболардан бизга мерос қолған бу дунё, аслида, «боболар бетаъма қурған дүнөдір». Шунинг учун «кимдир таъма билан дунё» кезаркан у албатта «дунё лойига» (Машраб) ботиши аник.

Мамлакатимиз үз Мустақиллигига эришгач, ўзбек халқи ҳаётида том маъноси билан үзгариш ва янгиланиш бошланды. Ана шу даврдан эътиборан, халқимиз ўзининг үтмиш тарихи, миллий қадрияллари, маънавият илдизлари, тили ва дини тұғрисида чуқур ва ҳар томонлама кенг фикрлашга киришди. Бу эса унинг Шуро

тузуми даврида кўп муқаддас нарса ва тушунчалардан йироқлашганлити, диний ва ахлоқий ҳаётида кўп нарсалар бой берилганини рўй-рост намоён этди.

Мустақиллик инъом этган эркин фикрлаш имконияти ҳамма нарсани ўз номи билан аташга даъват этади. Бу даъват ва талабни англашда, албатта, миллатимизнинг зиёли қисми пешқадамлик қилишди. Натижада, адабиётда ҳам сифат ўсиши ва ўзгаришларга кенг йўл очилди. Ўзининг сарчашмаларидан бир қадар ажратилган ўзбек адабиётида ҳам ғоявий-бадиий анъаналар қайта жонланиб, қадим йўналишларини давом эттиришга киришди. Мумтоз адабиётимиз тажрибаларидан жуда яхши маълумки, Шарқдаги бошқа адабиётлар сингари ўзбек адабиётининг тараққиёт асосларидан бирини Ислом дини ташкил этган. Ўтмишда яшаб ижод этган бизнинг ҳеч қайси ёзувчи, шоир ёки олимимиз Куръони Карим ояту калималаридан илҳомланмасдан, пайгамбар ҳадисларини ўқиб-ўрганмасдан, шариат қонун-қоидаларига ҳурмат билан қарамасдан ижод қилмаган. Филология фанлари доктори Ҳамидулла Кароматовнинг таъкидашича, «Ҳозирча бизга маълум туркийзабон халқларнинг энг қўҳна асари - Юсуф Хос Ҳожибининг IX асрда яратилган «Кутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асари бўлиб, унда биз Ислом мавзулари ва Куръоний ибораларнинг матнда кўп ва хўп қўлланилганлигидан воқиғ бўламиз... Туркий халқларнинг илк адабий асари матнидаги Куръоний мавзулар эса ўша давр туркий халклари учун ислом руқнлари ва Куръони Карим таъсирининг зоҳирлигидан далолат беради»<sup>1</sup>.

Шундай фикрни Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик», Рабгузийнинг «Қиссаси Рабгузий» асарлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Аҳмад Яссавий эса очиқ-ойдин қилиб:

*Мени Ҳикматларим кони Ҳадисdir,  
Киши бўй элтмаса билгил ҳабисdir...  
Мени Ҳикматларим фармони Субҳон,  
Ўқиб билсанг ҳамма маънойи Куръон. -*

дейди.

Куръон ва Ҳадис ўқиб, улардаги маъно ва ҳақиқатлардан илҳомланиб ижод қилиш албатта сўзнинг холислиги, илоҳийлиги, ҳаётийлиги ва ҳикматыга бойлигини таъминлайди.

Маълумки, дунёдаги деярли ҳамма динларда ҳам ахлоқ тарбияси

<sup>1</sup> Кароматов Ҳ. Куръон ва ўзбек адабиёти. - Тошкент, 1997. - 67 б.

ва ахлоқий етукликка алоҳида эътибор берилган. Лекин Ислом динида гўзал ахлоқ тушунчаси янада юқори даражаларга кўтарилиган. Шунинг учун Шарқ шоирлари ахлоқ ва одоб масалаларини ёритиш ёки ҳал қилишда Қуръони Карим оятлари ва Ҳадислардаги кўрсатмаларга асосланганлар. Умуман, Қуръон инсон қалби ва ахлоқидаги ҳар қандай хасталикларнинг шифоси деб қаралган.

Шўро тузуми тазиёни билан ҳалқимиз Ислом ва тасаввуф оламидан гарчи аста-секин узоқлаштирилган бўлса-да, аммо уни диний ва тасаввуфий адабиётдан бутунлай йироқлаштиришга эриша олинмаган эди. Бу эса чегаралганган тарзда бўлса ҳамки истеъодоти ва дунёқарashi кенг айрим ёзувчи ва шоирларнинг ижодида диний тушунчалар, тасаввуфий ҳис-туйғуларнинг давом этиши учун имкон берган эди. Абдулла Орипов «Кўриқхона» шеърида:

*Имонни асрангиз, у доим танҳо  
Ундаadir мужассам инсон матлаби.*

деб чорлаганида, албатта, имонни Исломдан ажратмаган. Зеро, имонга содиқ киши Исломга ҳам содиқдирки, имонни Ислом зиёси ва маърифатидан йироқда тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, динга қарши кураш, атеистик тарғибот ишлари авж олдирилган замонларда ҳам Абдулла Орипов шеърларида руҳоний кайфият, диний моҳият ва хуласаларнинг ўрин олганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Бунда шоирнинг «Бул ажаб ҳар кимсадин имдод сўрайдир хорлар», «Паҳлавон Маҳмуд мақбараси қошида», «Руҳим», «Баҳор» каби шеърларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Абдулла Орипов айрим қаламкашларга ўҳшаб даҳрийликдан бирданига Оллоҳпарастлик ва Илоҳиётчиликка ўтган шоир эмас. Ижодкор сифатида шаклланиш босқичла-ридаёқ унинг кўнгли ва идроки Ислом нури ва зиёси билан мунаvvар бўлган. «Ҳаж дафтари» туркумидаги шеърларида эришилган муваффакиятнинг сир ва асосларидан бири ҳам ана шунда эди.

«Ҳаж дафтари» - шоирнинг муқаддас Ҳаж сафари таассуротларидан туғилган, диний, ахлоқий, маърифий ва дидактик моҳиятдаги туркум ҳисобланади. Бу туркумнинг юзага келиши тўғрисида шоир шундай дейди: «Маккай мукаррамага борганимнинг дастлабки кунида Каъбатулоҳда - Оллоҳ уйи ёнида тунни бедор ўтказиб, тиловат билан бир қаторда байтлар ёза бошладим. Мен бу ҳолатга аввалдан бир мунча тайёр бўлганим сабаб-лимни сатрларим ўз-ўзидан қуилиб келавердилар». Ҳақиқатда ҳам шоир фикран ва руҳан «аввалдан бир мунча тайёр» бўлмаганида туркумдаги шеърлар ўз-ўзидан қуолиб келавермаслиги аниқ эди. Чунки у Ҳаж зиёрати-гача ҳам



*Шоир кулса, олам кулади*



*Умрнинг фалсафий лаҳзалари*



Эх, менинг ёшлигим!



Шеърий лаҳзалар



*Мухлислар саволига жавоб бериш лаззати*



*Сен баҳорни соғинмадингми?*



*Үйчан ижод онлари*



*Устоз-шоғирд мұлоқоти*

«маънавиятимиз қўёшларидан бири дини Ислом» эканлигини чукур идрок этган, Қуръони Карим - айниқса, «Ҳадиси шариф - Шеъриятлар шеърияти» эканлигини тўлиқ англаб етган эди.

“Ҳаж дафтари”даги шеърлар шеърий ҳадислар деб аталган ва уларнинг барчаси у ёки бу тарзда ҳазрати пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломнинг «сұханлари билан» бевосигта боғлиқдир. Хўш, мазкур шеърлар нега шеърий ҳадис дейилган? Чунки улар, биринчидан, диний моҳият ва пайғамбар каломлари таъсирида туғилиб, панд ва ибрат мазмунига эга. Иккинчидан, ушбу шеърларда Абдулла Орипов «Қирқ ҳадис», «Арбайин» деб аталган ҳадисларнинг шеърий талқинларини яратиш анъанасини давом эттирган. Лекин Абдулла Ориповнинг «Ҳадис»лари классик анъаналарнинг бутунлай янги бир давр шароитида, айниқса, ўргадаги жуда катта Вақт, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий-маънавий, адабий-эстетик ўзгаришлар, эврилиш ва янгиланишлар «жарлиги»дан сўнг давом эттирилиши натижасида бутунлай янгича мазмун ва қиёфа касб этди<sup>1</sup>.

Бу янгилик ва ўзига хослик, энг аввало, улардаги мазмуннинг кенг қамровлилиги, давр ва замон эҳтиёжи билан боғлиқ ижтимоий, сиёсий-фалсафий қарашларни ҳам ўзида мужассамлаштирганлиги билан изоҳланади.

Айни пайтда мазкур туркум Абдулла Орипов ижодидаги мутлақо янги бир йўналишни бошлаб берганлиги ҳам ҳақиқатdir. Бундан олдин нисбатан оддийроқ ахлоқий-таълимий мавзулар талқини устуворроқ ўрин тутган бўлса, эндиликда ҳадислар баҳонасида шоир миллий қадриятларнинг диний-фалсафий баҳосини беришга, ўзининг “овози” билан ушбу мавзуни янгича бир талқинларда тараннум этишга ҳаракат қиласди.

Туркумдаги биринчи шеър Каъбатуллоҳга бағишлиланган. Аммо, унда Каъбатуллоҳ мадҳи эмас, балки бутунлай бошқа бир дардли ҳақиқат ёритилгандир. У шундай сатрлар билан бошланади:

Ҳануз бири икки бўлмаган элдан,  
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.  
Багри хун, толеи кулмаган элдан,  
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Қўриниб турибдики, шоир бунда юрт ва миллат дардини биринчи ўринга қўяётir. Бу нарса «Ҳануз бири икки бўлмаган», «Багри хун, толеи кулмаган эл» тарзидаги ифодаларданоқ англашилади. Лирик қаҳрамон Каъбатуллоҳда туриб бир замонлар

<sup>1</sup> Афоқова Н. Шеър, ҳадис, ҳикмат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –1994. 3 июнь.

зехни ва фикрати дунёни ёритган эл ва банди бўлган улуғ юртинг яқин ўтмишдаги қисматини хаёлдан ўтказади ва дейди:

*Дуч келган санамга сигиндик гоҳи,  
Бизга кенг очилди Шайтон даргоҳи.  
Ахир, нима эди элнинг гуноҳи,  
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.  
Хор бўлди Ватанда кимки илми бор,  
Бирорлар зар билан тонди эътибор  
Хийлагар кўпайди, кўпайди маккор.  
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.*

Албатта, инсон ўз дарду ҳасратларини тўкиш ёки қайфу армонларини Оллоҳга етказиш учун Каъба зиёратига бормайди. Лекин виждон ва имони бутун юрак ҳеч бир сирини Ҳақдан пинҳон ҳам тутмайди. Буни қуйидаги сатрлардан ҳам англаса бўлади:

*Қай замон одамлар бад феълин сездим,  
Вафоли дўст излаб дунёни кездим.  
Топмадим, топмадим, баридан бездим,  
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.*

Бири икки бўлмаган, бағри хун, толеи кулмаган эл-улуснинг бир вакили бўлиб яшаш ҳам осон кечадиган иш эмас. Чунки бундай юртда ва муҳитда кўпдан-кўп маънавий-ахлоқий муаммолар туғилиши табиийдир. Шоир ўзининг ёлғизлиги ва ёлғизланиши ҳақида сўзларкан, айни пайтда ҳар бир кишининг фикр даражаси ва савиясига қараб ҳам қуллик ва тобелик шароитидаги инсон қисмати, хусусан, ижодкор толеи хусусида ўйлашга ҳам гўё даъват қиласди. Тўғри, ҳамма етук шоирлар ҳам одамзоднинг ёмон феъл-атворидан, вафоли дўст топа олмаганилигидан нолиб ўтишган. Акс ҳолда Алишер Навоий «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим» деб, Бобур эса «Жонимдин ўзга жони вафодор топмадим» деб ёзмаган бўлар эди. Лекин Абдулла Ориповнинг Каъбатуллоҳга бориб илтижо қилишида жуда муҳим бир маъно яширинган. Бу маъно эса диндан ажратилган халқ аҳволига куюниш ва унинг ҳидоят йўлига юз буришидан кейинги ҳаётига ишончdir:

*Шукрана айтурман ўзингга, ё Рабб,  
Юз бурдик ҳидоят йўлига қараб.  
Ҳақ деган юртимнинг бахтини сўраб  
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.*

Абдулла Ориповнинг айтишича, «Пайғамбар» шеъри шоирнинг Мадина шаҳрига бориб пайғамбар мақбараларини зиёрат қилгандан

кейин ёзила бошланган. Шеърда таъкидланганидек, Мұхаммад алайхиссалом ҳақиқатда ҳам «Башар фарзанди», «Аллоҳ расули», «Тенги йүқ инсон». Мана неча асрлардан бүён мусулмон халқлари адабиётіда у тенгиз зот ҳақида асарлар яратилиб келинади. Бизнинг мумтоз адабиётимизда оллоҳга ҳамд ва пайғамбарга насть бағиша шаш күп асрлық анъана тутика кирган. Бироқ ҳеч бир шоир ёки ижодкор Пайғамбар шаънига лойиқ сўзни топдим дея қаноатланган эмас. «Шариат бинокори», «Тариқатга раҳнамо», «Ҳақиқатга муқтадо», «Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлғон Мұхаммад» (А.Яссавий.) алайхиссаломни таърифлаш ва мадҳ этишда ҳар бир талантли шоир ўзича йўл ахтаради ва ижодий изланади. Пайғамбар мавзуи энг юксак ва илҳомли мавзу бўлғанлиги, сидқидилдан интилғанлиги учун бунда, албатта, ҳар бир қаламкаш ўзининг янги гапини айта олади. «Мен Мұхаммад алайхиссалом ҳазратларини - деган эди Абдулла Орипов, - улуғ файласуф деб биламан. У зотнинг ҳадислари эса ўлмас бадиий ташбеҳлар билан зийнатланган мукаммал шеърий лавҳалардир. Уларнинг бари боболаримизни ҳам, жумладан, бизни ҳам гўзal мантиқий кучи - жозибаси билан мафтун этиб келмоқда».

Демак, ҳазрати Мұхаммад фақат Оллоҳнинг Расули сифатида эмас, мислсиз шахсият, тенги йўқ ижодий салоҳият соҳиби сифатида ҳам шоиримизни ўзига ром этган.

«Пайғамбар» шеъридаги «Сиз - Олам сарвари, Сиз - нури жаҳон», «Раҳмдил инсонсиз, бағри кенг Расул», - деган сатрлар ҳам юқоридаги даъвони исботлашга хизмат қиласи. Пайғамбарларга шафқат ва муруват кўрсатмаган дунё, албатта, оддий бандасини ҳам аямайди. Шу боис ҳаттоқи пайғамбар қабрини зиёрати чоғида ҳам:

*Бир ёнда имони бутунлар турар,*

*Бир ёнда тақаббур, манманлар юрар.*

Унда «Кимдир пок бўлгали ичади қасам, лекин ичи қора Шайтонга ҳамдам». Булар Ҳазрати Мұхаммадга «Уммат бўлмоқ саодат» эканлигини ўзларича англашса-да, аммо ўша саодатдан бенасиб қоладилар.

«Пайғамбар» шеъри - тавба - тазарру билан йўғрилган шеър. Унда шоир «Ранжу балолардан тўйган» бир инсон сифатида қуйидаги хulosасини баён қиласи:

*Ҳақ деб нина билан тоғларни қаздим,*

*Бандаман, рост йўлдан гоҳида оздим.*

*Тавбамнинг изҳори шу шеърни ёздим,*

*Ассалому алайка, ё Мұхаммад,*

*Ассалому алайка, ё Аҳмад.*

Тавбага юз бурган ва Оллоҳдан тавба эшигини очилишини тилаган инсон борки, уларнинг деярли ҳаммаси нафс ва шайтон ҳақида ўйлади. Чунки нафсни енгмасдан ва шайтонни танимасдан тавбага эришмоқ мумкин эмас. Имом Бухорийнинг «Ал жомиъас саҳиҳ» асаридаги бир ҳикоятда Расу-луллоҳнинг «Шайтон инсон ҳон томирларида юради...», - деган фикрлари келтирилди<sup>1</sup>.

Шунинг учун Шайтонга қарши курашиш ва уни енгиш, ниҳоятда қийиндир. Диний ва тасаввуфий асарларда шайтоннинг ишлари, макр ва ҳийаллари тўғрисида жуда кўп баҳс юритилган. Шу маънода Шайтонни адабиётдаги асосий тимсоллардан бири дейиш мумкин. Шайтонга хос ёмонлик ва ҳийла найранглар инсон табиати ва фаолияти орқали юзага чиқади. Шунинг учун шайтон билан курашиш инсондаги ёмонлик, ёвузлик, жоҳиллик, ҳийлакорлик, маккорликка қарши курашмоқ маъноси билан деярли тенг туради. Ҳаж сафари - шайтонни лъяннатлаш ва уни тошбўрон этиш сафари ҳамдир. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов Шайтонга бағишланган шеърида:

*Минода Шайтонни қилдик тошбўрон,  
Лъяннатга кўмилди бадбахт у лайн.  
Дедик, шунча юкнинг остидан Шайтон  
Минг йиллар чиқолмай ётмоғи тайин.*

Ҳақиқатда ҳам «Шунча юкнинг остида Шайтон минг йиллар» давомида чиқолмай ётиши мумкинми? Шеър сўнгида шоир ушбу саволга оддий китобхон қутмаган бир жавобни топади:

*Шодумон ўйл олдик Ватанга қараб,  
Шайтон қолди, деба чуқурда – чоҳда.  
Манзилга қайтгандик Шайтон воажаб,  
Бизни кутиб олди тайёрагоҳда.*

Демак, шайтоннинг ҳунари бу - инсоннинг ҳунари. Шунинг учун ҳам инсон истаса бир-бирига «-Саллани пайтава қилиб ўратгай»,  
*Агар сидқидилдан кўрсатса найранг,  
Нодонни шоҳ қилиб юртни сўратгай.*

Хуллас, ҳар бир киши ўзидағи Шайтоний хусусият ва сифатларни билмагунча Шайтон қиёфасини аниқ тасаввур қила олмайди. «Шайтон» шеърида илгари сурилган бош мақсад ҳам ана шу эди.

«Ҳаж дафтари»да ўртага ташланган фикр ва туйгуларнинг бир қанчаси Абдулла Ориповнинг «Ҳикмат садолари» туркумида ҳам давом эттирилиб, янада ривожлантирилган. Буни Она, Шайтон

<sup>1</sup> Имом Бухорий Ал жоми-ас-саҳиҳ, 2-жилд. -Тошкент, 1997. - 382 б.

ва Каъбага багишиланган шеърлардан ҳам билиш мумкин.

«Шайтон» деб номланган иккинчи шеърда шоир гүё тайёрагоҳда дуч келган «Шайтон» ёлғиз эмаслигини исботлаб:

*Угоҳо хожадур, гоҳида дастёр,*

*Угоҳо паридур, сочлари сумбул.*

*Гоҳо дўстман деб сўз бошлар секин,*

*Лутфи гоят ширин тотли забони.*

- дейди. Куръону Карим ва Ҳадиси Шарифларда шайтондан қутулишнинг бир қанча чоралари кўрсатиб берилган. Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадисларида «Мен тушларингизда кўрсаларингиз, шайтонни туш кўрмайсизлар. Чунки шайтон ҳеч қачон менинг қиёфамга кира олмас»<sup>1</sup> деган эканлар. Абдулла Орипов шеър хотимасида айнан шу ҳадисни асос қилиб олган:

*Тушингда Расулини кўрдингми - қувон.*

*Демак, ибодатинг ерда қолмайди.*

*Расулуллоҳ демиш: - Шайтон ҳеч қачон,*

*Менинг қиёфамга кира олмайди.*

«Ҳикмат садолари» туб моҳияти билан Ҳазрати пайғамбарнинг ақл, тафаккур ва кўнгил садоларидир. Шунинг учун уларнинг деярли ҳар бирида “Расулуллоҳ деди”, “Расулуллоҳ демиш”, «Расул амр қилди», «Расулуллоҳ демишку ул дам» сингари таъкидли иборалардан фойдаланилган.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Тасаввуф таълимоти ҳақида нималарни биласиз?
2. “Абдулла Ориповни мутасаввуф ижодкорларга яқинлаштиришга уриниш”ни тўғри деб ўйлайсизми?
3. 80-йиллар шеърияти ҳақида ёзган Улуғбек Ҳамдам фикрларига қандай муносабатдасиз?
4. Абдулла Ориповнинг «Чорлаш» шеъри ҳақида қандай фикрдасиз? Уни таҳлил қилинг.
5. «Номаътум одам» шеърини таҳлил қилинг. «Номаътум одам» ким?
6. Рух ва нафс тушунчалари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
7. Ҳасад ҳақида ёзилган шеърларга муносабат билдиринг. Улардан бир нечтасини ёд олинг ва таҳлил қилинг.
8. «Ҳаж дафтари» ва «Ҳикмат садолари» шеърий тўпламларидағи шеърларни таҳлил қилинг. Қандай мавзулар акс эттирилганини аниқланг.
9. «Абдулла Орипов — серқирра шоир» мавзусида иншо ёзинг.

<sup>1</sup> Имом Ал-Бухорий. Аа-жомий ас-саҳиҳ. 4-жилд. - Тошкент, 1997. - 361 6.

## **АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА АНЬНАВИЙ ЛИРИК ЖАНРЛАР ВА УЛАРНИНГ МАВҚЕИ (4 соат)**

### **Режа:**

1. Абдулла Орипов тўртликлари ҳақида.
2. Фазал жанрининг шоир ижодида тутган ўрни.
3. Абдулла Орипов шеъриягининг ўзига хос хусусиятлари.

### **Таянч сўзлар:**

Мумтоз адабиёт, фазал, рубоий, тўртлик, мавзу, образ, маҳорат, жанр, шакл, фалсафийлик.

### **Тавсия этилган адабиётлар**

1. Қўшжонов М., Сувон Мели. Абдулла Орипов. – Тошкент, Маънавият, 2000.
2. Faфуров И. Дил эркинлиги. - Тошкент: Маънавият, 1998.
3. Тўхлиев Б. «Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асари ва туркий фольклор. -Тошкент, 1991.
4. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. -Т.: Фан, 1974.
5. Каримов Н. XX аср манзаралари. Тошкент. Шарқ. 2009.
6. Каримов Ҳ. Истиқбул даври шеърияти. Т. : Зарқалам. 2005.

Адабиётшунос Ю.Акобировнинг эътирофи бўйича, машҳур тожик шоири Лоиқ Шералининг шеърияти икки йўналишда ривож топган. Биринчиси, бевосита мумтоз адабиётдаги фазал, рубоий, қитъа сингари анъанавий шеърий шаклларда қалам тебратиши. Иккинчиси эса замонавий воқеа-ҳодисаларни янгича оҳанг ва поэтик образлар орқали тасвирлашдир<sup>1</sup>. Лоиқнинг эстетик қарашларига кўра, мумтоз шеъриятдаги анъанавий шакл ва тасвир воситалари ҳанузгача эскиргани йўқ - ҳамма гап улардан моҳирлик билан фойдалана билишда. Шунинг учун Лоиқ шеъриятида форс-тожик поэзиясидаги мавжуд лирик жанрларда ёзилган шеърлар кўпчиликни ташкил этади ва улар ҳақиқатда ҳам янгилиги билан диққатга моликдир<sup>2</sup>.

Айтиш жоизки, А.Ориповнинг анъанавий жанрларда ёзилган шеърлари Лоиқ Шералига ўхшаш шоирларга қиёсан олганда кўпчиликни ташкил қилмайди. Аммо у яратган фазал ва тўртликларнинг ғоявий-бадиий даражаси Шарқ шеърияти анъаналарига содик бўлган ҳар қайси шоирнидан қолишади, деб ҳам бўлмайди.

<sup>1</sup> Акобиров Ю. Анъанахои шеъри тожик // Садои Шарқ . – 1984. – 7-сон.

<sup>2</sup> Қаранг!: Куняев С. Поиск имени своего // Памир. – М., 1983. – № 4; Орагвелидзе Г.В. объективе поэзии: Лоиқ Шерали // Памир. – М., 1983. – № 6.

Шарқ шеърияти тарихидан яхши аёнки, бадијй ижодда мазмунга нисбатан шакл турғунык хусусиятларига эга. Шунинг учун бир неча даврлар ёки замонларда яшаб ижод этган шоирлар айни бир шеърий жанрга қайта-қайта мурожаат этгандар. Бунда улар танлаган мавзу, образ ва маҳорат усуllibаридаги ўзгаришлар, янгиланишлар кўзга ташланса-да, жанр талаби ва қонуниятларидаги барқарорлик ҳокимлик қилғанлигини илғаш қийин эмас. Масалан, рубоий жанрини олайлик. Рубоий шарқ шеъриятидаги энг машҳур жанрлардан ҳисобланади. Унда Умар Хайём, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Бедил каби ўнлаб улуғ санъаткорлар қалам тебратиб, жуда катта ижодий ютуқларга эришганлар. Рубоий жанрининг ўзига хос қатъий талаб ва имкониятлари бўлган. Шунинг учун ҳар бир шоир, энг аввало, рубоийнинг маҳсус вазнда ёзилиши, унда ҳар бир сўз ва образ чуқур ўйланган ҳамда тасвирда ниҳоятда ихчамликка риоя қилиниши шарт, деб билган<sup>1</sup>.

ХХ аср ўзбек шеъриятида рубоийнинг қонун-қоидаларига (ҳам вазн, ҳам маъно, ҳам қофия жиҳатидан) тўлиқ жавоб берадиган шеърлар кам ёзилган. Лекин, рубоийни эслатувчи ёки рубоийга хос ихчамлик, мазмундорлик, фалсафийлик ва образлиликни ўзида акс эттирган тўртликлар ёзилди. Бу ўринда Мақсад Шайхзода, Ҳабибий, Рамз Бобоҷон, Толиб Йўлдош каби шоирларнинг шеърларини эсга олиш мумкин. Аммо очигини эътироф этиб тўғри баҳо берганда анъанадан руҳланиш ва унинг маълум томонларини ривожлантириш Абдулла Орипов тўртликларида ёрқинроқ намоён бўлди. Мунаққид И.Фафуров Абдулла Орипов тўртликларидан «Румий, Паҳлавон Маҳмуд, Хайём нафаси» сезилиб туришини таъкидлаган<sup>2</sup>.

Абдулла Орипов улардан бирида, жумладан, шундай дейди:

*Юлдузлар мисоли кулганда руҳим,  
Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим,  
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим,  
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.*

Бу эътирофни буюк рубоийнавис Паҳлавон Маҳмуд ижодиётидан тиланган мадад сифатидагина эмас, шоирнинг ижодий таъсир ҳақидаги шахсий эътирофи сифатида ҳам қабул

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент: Фан, 1961; Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. –Тошкент: Фан, 1968; Орзикевов М. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976; Ҳақкулов И. Ўзбек адабиётидаги рубоий. – Тошкент, 1981.

<sup>2</sup> Фафуров И. Диј эркинлиги. – Тошкент: Маянавият, 1998. - 126 б.

қилиш мумкин. Чунки Абдулла Орипов Паҳлавон Маҳмуднинг жувонмардлик гоялари билан суборилган рубоийларини чукур мутолаа қилмасдан, бундай фикрларни айтиши мумкин эмас эди. Адабиётшунос И.Ҳаққул шоирнинг «Коинот гултожи инсондир азал...» сатри билан бошланадиган тўртлигини таҳдил этиб, «...Бундай шеърларда классик рубоийларга хос фалсафий бўёқдорлик, оҳанглардаги улуғворлик, мушоҳада ва хаёл кенглиги, янги бир ранг, янгича фикрий қиёсларда акс эттирилгандир»<sup>1</sup>, дейди.

Ҳақиқатда ҳам, шоирнинг аксарият тўртликлари ана шундай фазилатлари билан шеърхон диққатини ўзига жалб этар экан, айни пайтда улар инсон тақдири, ҳаёт зиддиятлари, одамларнинг ўзаро муносабатлари, ўткинчи ва бокий ҳақиқатлар тўғрисида кенг мушоҳада юритишга чорлади.

Маълумки, инсон учун энг қимматли нарса бу Вақтдир. Халқимизнинг «Вақting кетди-нақдинг кетди» деган мақоли бежиз тўқилмаган. Вақтни фанимат билган, вақтни фойдали ишларга сарфлаган киши, албатта, ўзини замондан ҳимоя қилган бўлади. Абдулла Орипов тўртликларидан бирида ушбу ҳақиқат ўзининг янгича ва оригинал ифодасига эришган:

*Қах-қах урап бўлсан, виждонимдан ман,  
Мехнатим эвазин сўраб олурман.  
Бенаф ўтган дамлар, мен сизнинг учун,  
Ҳайҳот, қабримга ҳам йиглаб борурман.*

Охирги сатр ўқувчини ҳушёрликка ундаши билан ажralиб туради. Мумтоз шеъриятимиздаги рубоийларда ташбеҳ, тазод, талмеҳ билан бир қаторда яна кўплаб шеър санъатларининг кўлланиши кузатилади. Улар орасида ирсол-ул масал санъати ҳам тез-тез кўзга ташланади.

Абдулла Ориповнинг қатор тўртликларида ҳам фикр ва туйгу ифодасида шу санъат жуда моҳирлик билан тадбиқ этилганлигини кўриш мумкин. Масалан, қуйидаги тўртликда шоир ёзади:

*Дейдилар, ит ҳурап-ўтади карвон,  
Ранжу балоларда ёнмасин жонинг,  
Лекин алам қилар бир умр гирён,  
Итлар орасидан ўтса карвонинг.*

Бунда фикр ирсол-ул масал санъати билан бошланган ва айни пайтда шоир кейинги сатрлардаги фикрлар баёнида ҳам «ит ҳурап

<sup>1</sup> Ҳаққул И. Бадиий суз шукуҳи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 183 б.

- карвон ўтар» мақолига асосланади. Лекин, охирги икки сатрдаги гап «ит ҳуриб - карвон ўтиш» ҳодисаси шеърхонга фожеона бир тарздаги оҳанг билан етказилади.

Мазкур фикрни Абдулла Ориповнинг «Гадонинг душмани - гадо бўлади» деган халқ мақоли заминида яратилган мана бу тўртлиги ҳақида ҳам айтиш жоиздир:

*Тингла, бу абадий садо бўлади,  
Гадонинг душмани гадо бўлади.  
Иккови бир-бирин егунича то,  
Ўртада бу дунё адо бўлади.*

Шоир бу фикрларни бошқа бир тўртлигида ривожлантириб, ёзди:

*Ҳозир гадолар ҳам ғоят мукаммал,  
Ишни дипломатик йўлдан бошлайди.  
Эгасидан у - бу сўрашдан аввал,  
Итига, албатта, суяқ ташлайди.*

Бу тўртлик учун «эгасини сийлаган, итига суяқ ташлар» мақоли асос бўлиб хизмат қилган. Бунда кимки бирорни қадрласа, унга яқин бўлганларни ҳам эътиборсиз қолдирмайди деган мазмун яширинган. Шоир баъзи тўртликларида анъянавий тимсолларга мурожаат қиласди. Абдулла Ориповнинг бир тўртлиги:

*Офтоб ботиб кетди эгиди бошим,  
Юлдуздек сочилди кўзимда ёшим.*

деб бошланади. Юзаки қаралганда, бу фикрда янгилик йўқقا ўхшайди. Чунки Навоийнинг машҳур «Оразин ёпқоч кўзимдин, сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч күёш» байтида ҳам шунга ўхшаш мазмун ифодаланган. Аммо тўртлиknинг кейинги икки мисрасидаги фикрни поэтик кашфиёт дейиш мумкин:

*Ҳажрингда бағримни ерга берурман,  
Тун бир лаҳад бўлса, ой қабр тошим.*

Туннинг «лаҳад»га, ойни эса «қабр тоши»га ўхшатилиши ҳам мутлақо янги ташбеҳдир.

Маълумки, туркий тилдаги мазмунан чуқур, шаклан мукаммал ғазаллар Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби шоирларимиз қаламига мансубдир. Айниқса, Алишер Навоийнинг ғазал таракқиётидаги хизматлари беқиёс. Навоийдан кейин яшаб ижод этган Бобур, Машраб, Огаҳий каби шоирларимизнинг ғазаллари

ўзбек ғазалчилик тарихидаги бетакрор ҳодисалардандир<sup>1</sup>.

Йигирманчи аср ўзбек шеъриятида ғазал юқори бир ўринни ишғол қўлмаган бўлса ҳам адабий жараёндан бутунлай четга чиқиб қолмади. Бунинг сабабларидан бири аruz йўлида ижод қилиш эҳтиёжининг мавжудлиги бўлса, иккинчиси ишқ мавзуининг ҳамма давр кишилари учун қизиқарли ва маънавий аҳамиятга моликлигидир. Етмишинчи йилларга келиб Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони» мисолида ўзбек ғазалиётида ўзига хос янгиланиш содир бўлишининг бир сабаби ҳам ана шунда эди. Шунинг учун ҳам Эркин Воҳидов девоннинг дебочасида:

*Эй мунаққид, сен ғазални кўхна деб камситмагил,  
Севги ҳам Одам Атодин қолган инсон зотида<sup>2</sup>.*

- дейди. Умуман, етмишинчи йиллардан шеъриятимизда ижобий маънодаги ғазалнавислик мусобақаси бошланди деса хато бўлмайди. Бу фикрнинг далили сифатида Жамол Камол ғазалларини эслатиш мумкин. Бу давр ва кейинги йилларда яратилган ғазалларни таҳдил ва талқин қилиш, албатта, бизнинг вазифамизга кирмайди. Лекин уларни эътибордан соқит қилиб, Абдулла Орипов ғазалларига баҳо бериш ҳам тўғри бўлмайди. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Абдулла Орипов учун ғазал жанрида изчил бир тарзда қалам тебратиш ижодий мақсадга айланмаган. Шунинг учун унинг ғазаллари бармоқ билан санарли. Мавжуд ғазаллар эса Абдулла Ориповнинг ғазалнавислик анъаналарини пухта билиши, ушбу шаклда ҳам бошқа шоирларнинг шеърларига ўхшамайдиган, айниқса, ўзининг руҳи, оҳанги ташбех ва тимсолларига эга асарлар яратишга қодирлигини кўрсатади.

А.Ориповнинг ғазаллари фақат мазмунда эмас, балки шаклий поэтик ҳусусиятлари билан ҳам классик жанрлар назариясининг асосий талабларига жавоб бера олади. Уларга хос бир ҳусусиятни алоҳида тилга олиш жоиз. Бу - уларнинг, асосан, рамал вазнида ёзилгани ҳисобланади.

Рамал мумтоз адабиётимизда туркий тилнинг вазни, туркий тилнинг табиатига ниҳоятда мувофиқ келиши илмда исботланган. Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий ғазалларининг катта қисми айни шу вазнида эканлиги ҳам бу даъвонинг далилидир. Абдулла Ориповнинг «Фурқат нидоси», «Кетмоқдаман», «Бул ажаб», «Бу

<sup>1</sup> Бу ҳақда карант: Ҳайдарметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент, 1961; Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. –Тошкент, 1968; Орзивеков Р. Ўзбек адабиётида ғазал ва мусаммат. – Тошкент, 1973.

<sup>2</sup> Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Тошкент, 1975. – 77 б.

кун», «Нома» сингари газаллари ҳам рамалда битилган.

*Ваҳки ишиқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,*

*Чиқма Қайс оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.*

Ушбу ғазалда рамалнинг рукни-фоилотун саккиз марта қўлланилган. Фақат охирги руқнда у тўлиқ ҳолда эмас, балки мақсур ҳолатига учрайди. Шунга қўра бу вазн номи - рамали мусаммани мақсурдир.

*Яхши қол эй, дилбарим дилда қадар кетмоқдаман,*

*Ишқ аро энди ҳолим зеру-забар кетмоқдаман!*

матлаъли ғазал ҳам, шунингдек, «Нома», «Фурқат нидоси» каби ғазаллари ҳам шу вазнда ёзилган. Буларнинг ҳаммасида анъанавий шаклларда янги маъно, янги мазмун ифодаланишига ҳам бой имконлар беришини кўрсатиб турибди.

Энди бошқа бир мисолга мурожаат қиласли:

*Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорлар,*

*Сиз бемор кўксига бош урмангиз, эй bemорлар.*

Бу сатрлар ҳам рамал баҳрида ёзилган, фақат у рамали мусаммани маҳзуфдир. Бир қарашда содда кўринган бу вазн шоирдан анча маҳорат талаб қилганига шубҳа йўқ. Зоро, унинг парадигмаси:

- V - - - V - - - V -

- V - - - V - - - V -

бўлиб, ўқилиш оҳангি фоилотун фоилотун фоилотун фоилундир. Агар соф бўғин нуқтаи назаридан ҳисоблаб кўриладиган бўлса, у ҳар бир мисрада ўн бештадан бўғин бўлишини тақозо этади. Ваҳоланки, келтирилган мисолимизда ҳар бир мисрада ўн тўрт бўғин мавжуд. Бироқ А.Орипов арузнинг ўзига хос хусусиятларини нозик даражада ўзлаштиргани учун, алоҳида бир ундошнинг қисқа ҳижо вазифасини бажара олиш имкониятидан ўз ўрнида фойдалана олган. Шунга қўра охирги руқндаги «хорлар» ва «морлар» кўринишда икки бўғин бўлса-да, ҳижо нуқтаи назаридан уч қисмдан иборат. Демак, уларнинг ўқилиши хо-р-лар ҳамда -мо-р-лар тарзида бўлади. Худди шу ҳолда вазн ҳам ўз мукаммаллигига эришади.

Шоир ёлғиз рамалда эмас, балки ҳазажда ҳам ўз маҳоратини кўрсата билган. Хуллас, А.Ориповнинг ғазалларида мумтоз анъананинг асосий хусусият ва фазилатлари тўлиғича намоён

<sup>1</sup> Ушбу ғазал таҳлили ҳақида қаранг: В.Қодиров. Ҳозирги замон ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари: ф.ф.н. ... автореферати. - Тошкент, 1993. - 15-16 б.

бўлган. Аммо шоир фақат шу билангина чегараланиб қолганида, бадиий кашфиёт ҳақида, анъана заминида юзага келган янги топилдиқлар ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўларди. Бунинг устига мавжуд адабий муҳит ва реал-тариҳий шароитнинг ҳам мутлақо бошқача эканлигини унумаслик лозим. «Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бугун» мисраси воситасидаги таъкид айни шу ҳақиқатни ифодаламокда. Бугина эмас, дадил айтиш мумкинки, А.Орипов йигирманчи аср охирида арузни бармоққа яқинлаштирган ёки арузда бармоқ оҳангларининг ҳам мужассамлашувини таъмин этса олган шоирдир. Гап шундаки, А.Орипов фазалларининг кўпчилиги шубҳасиз арузда ёзилган бўлишига қарамай уларни бармоқ оҳангি билан ҳам ўқиш мумкин.

Юқорида келтирилган фазални арузнинг рамали мусаммани маҳзуз вазнида ёзилганини қайд қилган эдик. Бу вазннинг руқн кўринишлари сўзларнинг чегарасига дахлдор эмаслиги ҳам маълум. Ваҳоланки, туроқларнинг сўзлар чегараси билан уйғун бўлишини тақозо этадиган бармоқ ҳам айни шу фазалнинг бошидан охиригача тадбиқ этилиши мумкин. Унда ҳар бир мисранинг кўриниши  $7+7=14$  шаклига эга бўлади. Масалан:

*Бул ажаб хор кимсадин (7)*

*Имдод сўрайди хорлар, (7)*

*Сиз бемор кўксига бош (7)*

*Урмангиз эй беморлар. (7)*

Бундай хусусият, айниқса, «Аён бўлгай» фазалида жуда мукаммал тарзда кўзга ташланади. Бу фазал ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган:

*А-гар ё-ринг хи-ро мэт-са са-бо-лар-дан а - ён бўл-гай,*

*V - - - V - - - V - - - V - - -*

*Та-кал-лу-ми ча-ман бер-ган са-до-лар-дан аён бўл-гай.*

*V - - - V - - - V - - - V - - -*

Агар бу фазални аруз эмас бармоқнинг талаблари билан таҳдил қиласидиган бўлсак, у бу вазннинг ҳам барча талабларига тўлиғича жавоб бера олади. Кўриниб турганидай шеърий мисралар ўн олти бўғиндан ташкил топмоқда. Уларни туроқларга ажратсак,  $4+4+4+4=16$  кўриниши ҳосил бўлади.

Агар ёринг / хиром этса, /  $4+4=8$

Саболардан / аён бўлгай, /  $4+4 =8$

ёки

Агар ёринг / (4)

Хиром этса, / (4)

Саболардан / (4)

Аён бўлгай. / (4)

Професор Б.Тўхлиев «Қутадгу билиг» вазнини ўрганганда Юсуф Хос Ҳожибнинг ўрни-ўрни билан аруз ҳамда бармоқ вазнларига бир хилда уйғун бўлган мисралар ижод этганини кўрсатиб ўтган эди<sup>1</sup>. Демак, анъана қанчалик ўзининг «темир қонунлари»га эга бўлмасин, юксак истеъдод эгалари уни «янгилаш» лозим бўлган томонларини топа олади. Бу, албатта, муҳит, дунёқарашиб, қизиқиш доираси ҳамда истеъдод даражаси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Абдулла Ориповнинг илк фазалларидан бири:

*Тўлғаниб гул очилур боғларни гулзор этгали,*

*Боғ сари дилдор чиқар, ошиқларин зор этгали.*

деб бошланади. Бу фазал соғ ишиккий мазмунга эга бўлиб, унинг лирик қаҳрамони ўтмиш шоирлар томонидан яратилган анъанавий ошиқ образидан деярли фарқ қилмайди. Лекин унда ошиқ тақдирига янгича қараш ва уни жуда самимий тарзда талқин этиш майли аниқ қўзга ташланиб туради. Шоир ташхис сангъатидан фойдаланиб ёзади:

*Ёлбориб гуллар деди: - Кирма бу боқقا эй, йигит*

*Бунга кирганлар киурулар, сочини қор этгали.*

Бундаги «гулларнинг» ошиққа ёлвориши, ошиқнинг «сочини қор этгали» боққа қадам қўйиши ҳам ниҳоятда табиий чиққан. Лекин шоирнинг кейин ёзилган фазалларига нисбатан олинадиган бўлса, ушбу фазалнинг изтироб «юки» бир мунча енгилдир.

«Ёзажакман» радифли фазалида эса аҳвол бутунлай бошқача. У шундай сўзлар билан бошланади:

*Дўстлар, демангиз, мен шеъру достон ёзажакман.*

*Мен шеъру достон ичра бир афғон ёзажакман.*

Шу афғон, яъни фифону нола фазалнинг то охирги байтигача кучайиб боради. Аммо бу нола-ю фифонлар маъно ва моҳият эътибори билан бир-бирига ўхшамайди. Булар нималардан иборат?

Биринччиси, лирик қаҳрамон ва бошқалар аҳволидаги зиддият:

*Ҳайрона боқур бу маним аҳволима ҳар ким,*

*Мен эрсам ўзгалар аҳволига ҳайрон, ёзажакман.*

Иккинчиси, шоир қалбининг асосий хусусияти, яъни ҳамиша вайронлиги:

<sup>1</sup> Тўхлиев Б. Туркий аруз // Тил ва алабиёт таълими. – Тошкент, 1998. - 3-сон. Бу ҳақда яна қарант: Тўхлиев Б. Қутадгу билиг поэтикаси масалалари. «Ўлмас обидалар» -Тошкент, 1989.

*Шоир дилига құлма җавас, бут эса бағринг,*

*Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман.*

Учинчиси, «доимо вайрон» юракка «ул шұхі бадху»дан етган алам юки ва унинг натижаси:

*Солди дилима қанча алам ул шұхі бадхұ,*

*Билмамки, охир қай бири құрбон ёзажакман.*

Тұртингчиси, «самовот эли» ва улар орасидан әнг ёрқинини шарафлаш:

*Осмон элининг турфа-туман юлдузи күпdir,*

*Хұбдур бариси, равшани - ңұлпон ёзажакман.*

Бу байт рамзий маңнога эга. Шунинг учун уни ҳар ким ҳар хил мазмунда тушуниши ва талқын қилиши мүмкін. «Равшани-ңұлпон» бирөвлар учун гүзәл маңшукә бұлса, яна бирөвлар учун әнг азиз бир инсонни әслатади. Бизнингча эса, шоир зақматкаш ва улуг әлини назарда туттган.

Бешинчиси, шеърни тушунмаслик ва гүзәллікка жохилона мұносабатдир:

*Сен шеърга құлинг үйзмагас эй, жохили нокас,*

*Бұлсанғда худо номинғни шайтон ёзажакман.*

Олтингчиси, әл-юргнинг иқбол ва истиқболини орзу қилиш:

*Бошингга агар құнса бу күн шарпаи иқбол,*

*Пойингга әлим бөш уриб құрғон ёзажакман.*

Бу байтнинг бириңчи мисраси шеърият имкониятларидан моҳирона фойдаланиш билан бир қаторда шоирлик журъатини ҳам акс эттиради. Тасаввур қилинг, ҳамма халқнинг баҳт-иқболи, әрк ва озодлиги ҳақида бонг уриб юрган бир замонда, «әй, әлим, бошингга ҳали шарпаи иқбол ҳам құнғани йўқ. Агар шу күн сенга насиб айласа, пойингта бөш уриб, ҳатто илоҳий сұзлар битурмен» дейиш оддий иш әмас эди. Кейинги байтда эса сүз үйини тарзда бұлса ҳамки, күллик ва әркинлікка ишора этилған.

*Күлdir деманғиз гарчи номи Абдулло әруман,*

*Расул ҳам әмас, йўқ ҳали унвон ёзажакман.*

Сиртдан қаралғанда, қайд этилған маңнолар мантиқан тарқоқ, бир-бирига боғланмайдынганға ўхшаб күринади. Аслида эса, шоир уларни «ёзажакман» радифи воситасида ягона мақсад атрофида бирлаштиради.

Абдулла Ориповнинг ғазал ёзишдаги ютуқларидан баҳс юритғанда, унинг ҳар бир ғазалида әнг аввало, янги кайфият, руҳий ҳолат бутунлай янғы ҳақиқат топишини алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, Абдулла Орипов ғазалларида яна бир хусусият

мавжудки, буни ҳам муносиб баҳолаш керак. Бу хусусият эса жуда чукур, фалсафий, ижтимоий маъноларни акс эттирувчи байтларнинг ғазал таркибидан ўрин эгаллашидир. Шоирнинг «Кетмоқдаман» деб номланган ғазали моҳият эътибори билан видолашув кўшигига ўхшайди. Лирик қаҳрамон дунёнинг ҳамма сиру синоатини тушунган, барчасининг бесамарлигини англаған ошиқ - мутафаккир қиёфасида гавдаланади:

*На ишончу на қувончу, на кўнгулдин очма гап,  
Барчасидин ушбу кун йўқдур самар кетмоқдаман.*

Ғазалнинг охирги байтида бу лирик қаҳрамоннинг фикр ва мушоҳада қуввати ўз тақдирини ҳамда алоҳида инсон қисматини дунё миқёсида қандай қимматга эга эканлигини баҳолашда яна ҳам бўртиб кўринади:

*Келмагимдан дедиларки, бу йигит кони зарар,  
Кетмагимдан, охир айт, борми зарар кетмоқдаман.*

Хуллас, Абдулла Орипов учун ғазал ёзиш ҳам ички руҳий ва фикрий эҳтиёждир. Шоир ғазал шаклининг имкониятларидан маҳорат билан фойдаланади. Анъянавий маъно ва тимсолларни замонавийлаштиради, замондошларининг кўнглига етиб борадиган ҳақиқатларини акс эттиради. Бизнингча, унинг «Ваҳқи, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун», «Бу ишқ сиррин китоб этting, китобинг ичра мен борман», «Агар ёринг хиром этса саболардан аён бўлғай» мисралари билан бошланадиган шеърлари ҳам ғазалнинг энг ёрқин намуналаридандир. Шоир ижодининг ушбу йўналишдаги асосий жиҳатлари юқоридагилардан иборат. Уларни яқунлаб шундай дейиш мумкин:

Ҳақиқий ижодкорлар анъана доирасида туриб ҳам кашфиётлар қилиши мумкинлигини Абдулла Орипов ижоди мисолида яна бир марта тасдиқланади. Биргина ғазал ёки рубоий (тўртлик) шаклининг ўзиёқ шоир учун жуда катта синов майдони бўлганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу анъянавий шакллар орқали ҳам шоир ўз замонасининг энг долзарб муаммоларини юқсан бадиий шаклларда ифодалаб бера олган. Бунинг устига бу ифодаларнинг янги, оҳори тўкилмаган тарздаги кўриниши мазкур шеърий шаклларда ҳам янгича мазмун ва жаранг бағишлилаган. Қисқача қилиб айтганда, ҳақиқий истеъодод учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзлигини кўрсатиш, ўзининг шахсий “мен”ини намоён қилиш маҳоратнинг олий талаби, шу талабга жавоб берганлиги учун ҳам бундай асарлар ўқувчилар қалбига яқин ва ардоқли бўлиб қолаверади.

## ҮМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Маълумки, йигирманчи аср ўзбек шеъриятида янги ижодий тажриба ва анъаналар вужудга келди. Абдулла Ориповнинг шоир сифатида шаклланиб, камол топишида ана шу тажриба ва анъаналарнинг роли жуда каттадир. Зеро, Чўлпон, Ойбек, У.Носир, Ф.Фулом, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Миртемир сингари шоирларимизнинг ижодий анъана ва маҳорат мактабидан сабоқ олган Абдулла Орипов ўзига хос поэтик олам яратди.

Абдулла Орипов халқ оғзаки ижодига хос тасвир усуллари, фоя ва образлардан фойдаланиб янгича поэтик тафаккур намуналарини яратдик, натижада қадимий оҳангларнинг замонавий поэтик талқини воситасида замондош инсон қиёфасини, руҳиятини очишга эришди. Бу усул XX асрнинг 60-йилларидан ўзбек шеъриятида руҳият тасвирининг етакчи эстетик тамойилга айланиш жараёнини қатъйлаштириди.

Ўзбек классик адабиёти намояндалари ижоди, хусусан, Алишер Навоий асарларидан баҳрамандлик туфайли Абдулла Орипов инсон қалби, дунё, замона мураккабликларини поэтик идрок этиш тамойилларини янги босқичга кўтара олди.

Абдулла Орипов ижодида табиатдаги ҳар бир ўзгариш ё ҳодиса инсон ҳаётига, унинг тақдирига узвий боғлаб тасвирланади. Инсоннинг кўнглидаги ўзгаришлар, изтиробу қувончлар моҳияти табиат фаслларига қиёсан очиб берилади. Буларнинг барчаси инсон тақдир, орзу-умидлари билан уйғунликда поэтик тадқиқ қилинган. Табиат манзараларига фақат зоҳирий ҳодиса сифатида эмас, балки ўзи яшаб ижод этган давр, ижтимоий-сиёсий муҳит, бадиий-эстетик олам талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашиш, анъанавий рамз ё тимсолларнинг янги маъноларини кашф қилишига майлу рағбат А.Орипов ижодида уступорлик кассб этгандир.

Мумтоз адабиётимизнинг ўзак мағизларидан бири бўлган тасаввуф шеъриятидаги илфор анъаналар XX асрда ҳам, XXI асрда ҳам ўзига хос шакл ва шамойилларда давом этмоқда. Бунинг энг ёрқин мисоли Абдулла Орипов ижодидир.

Тасаввуфнинг таъсири деган пайтда унинг классик вариантдаги барча усулларини, барча мазмун қирраларини яхлитлигича давом этишини тушуниш бирёзламалик бўлар эди. Бунда Абдулла Ориповнинг шахсий индивидуал услуби, поэтик олами, бадиий-эстетик қарашларига асос ва уйғун жиҳатлар ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач она тилимиз, тарихимиз ва динимиз эркин нафас ола бошлади. Диний мавзуларда қалам тебратишга йўл очилди. Абдулла Орипов шеъриятида янги бир саҳифа қўшилиб, шоир “Ҳаж дафтари”, “Ҳикмат садолари” туркумидаги шеърларини ўқувчиларга тақдим этди. Бу шеърлар фақат маъно-мазмуни билан эмас, ахлоқий-тарбиявий қиймати жиҳатидан ҳам диққат-эътиборга моликдир. Биз ушбу шеърларни тадқиқ қилганда масаланинг шу томонларини ҳам назардан четда қолдирмадик.

Тасаввуфнинг инсон ахлоқи, кўнгли, руҳи ва тафаккури билан кенг қизиқишини қўллаб-қувватлаши Абдулла Ориповнинг инсон ҳақидаги фикр-қарashi ва орзулари билан уйғун келган.

Абдулла Орипов ахлоқий-маърифий қарашларининг бадиий ифодасида Алишер Навоийнинг ижодий тажрибасини ўрганиш кенг имкониятларни очиб берган. Бу нарса фақат Абдулла Ориповнинг тасаввуф билан bogliқ бадиий-эстетик қарашларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида Алишер Навоий (бошқа мумтоз адабиёт вакиллари) асарларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш жиҳатидангина эмас, балки ўзбек шеъриятининг XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ҳозиргacha бўлган даврдаги ривожланиш тенденцияларини белгилашга ҳам имкон беради.

Абдулла Орипов шеърларига хос бўлган фалсафий теранлик, ахлоқий-маънавий қадриятлар талқинидаги тиниқлик, олам ва одамга муносабатдаги қамров кенглиги, шунингдек тасвиридаги жозиба ва таъсиричанлик у ёки бу тарзда бевосита мумтоз шеъриятимиздаги мутасаввуф санъаткорларнинг ижодиёти билан алоқадордир.

Шоир шу руҳдаги асарларида ҳам фаол ва соғлом ҳаракат эгаси бўлган замондош образини яратишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Абдулла Ориповнинг бир неча шеърларида тасаввуфий моҳият ва тасвир ифодаларининг таъсири равшан кўриниб туради. Совет замонида улар ҳақида салбий фикр ва муносабатлар билдирилган эди. Лекин шоирни “лоқайд ва сусткаш” инсон образини яратишда айблашлар ўзини оқлай олмаганилиги бугун тасдигини топиб турибди. Ҳолбуки, шоир айнан ўша шеърларида инсон руҳий оламига теранроқ кириб бориш ва унинг тақдирини ҳаққоний, ўзига хос мураккабликлари билан акс эттиришга ҳаракат қилган эди.

Шоир қатор шеърларида («Узлат», «Йиллар армони», «Умр қисқа эди», «Инсон манзараси») тавба, истиғфорга дъяват, руҳни

поклашга ундовчи туйғуларни ифода қилған. Ҳасад, адован, кин, фийбат, хиёнат, таъма каби ахлоқий иллатларнинг чуқур бадиий таҳлили шу даражада жонли амалга оширилганки, булар шеъриятимизнинг умуминсоний ва миллий йұналишига ҳам сезиларлы таъсир күрсатди, дейиш мүмкіндір.

Мұмтоз шеъриятдаги лирик жанр ва тасвирий воситалардан фойдаланиш оддий бир иш әмас, албатта. Бунинг учун ҳам үткір дид, юксак савия, әңг муҳими, маҳорат зарурдир. Абдулла Ориповнинг ғазал ва тұртликларини үқиган киши бу гапнинг тұғрилигига тұла ишонади. Шоирнинг тұртликлари вазн әထибори билан рубоййнинг анъанавий вазнларидан фарқланса-да, маъно чуқурлуги, тасвир ихчамлилігі ва фикр-мулоҳазага кенг йўл очиши жиҳатидан улардан кам әмас. Абдулла Орипов ғазал жанрида ҳам ибратли ютуқларга эриша олган шоирдир.

Абдулла Орипов ҳатто әңг анаъанавий шаклларда ҳам классик даҳолар таъсири доирасыда қолиб кетмасдан, шеърда үзининг янги сўзини айта олдики, ҳамма ижодкор ҳам бунинг уддасидан чиқишига қодир бўлавермайди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Тұртлик қандай жанр ва унинг рубоийдан фарқын томонларини айтинг.
2. Ўзбек шеъриятида ғазал ва рубоийнинг үрни ҳақида нималарни биласиз?
3. Абдулла Орипов тұртликларининг үзига хос жиҳатлари нимада?
4. Шоир тұртликларидан ёд олинг.
5. Ҳозирги ўзбек адабиётида қайси шоирлар анъанавий ғазал жанрида ижод қилишмоқда?
6. Абдулла Ориповнинг қандай ғазалларини биласиз?
7. Шоирнинг бир ғазалини ёд олинг ва таҳлил қилинг.
8. “Ҳақиқий ижодкор анъана доирасыда туриб ҳам кашфиётлар қилиши мүмкін”, – деган фикрга қандай қарайсиз?

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2008.
- Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Ўзбекистон, 1999. -31 б.
- Каримов И.А. Имон ва инсон. - Т.: Фан, 1991. - 55 б.
- Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. - Т.: Ўзбекистон, 1994. - 154 б.
- Адабиёт назарияси. 2 томлик / М.Нурмуҳаммедов таҳрири остида. 2-том. -Т.: Фан, 1979. -445 б.
- Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. - 197 б.
- Акрамов Б. «Шеърият гавҳари. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. - 168 б.
- Акобиров Ю. Анъаноҳо шеъри тоҷик // Садои шарқ. - 1984. - № 7.
- Алишер Навоий асарлари лугати. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. - 782 б.
- Атоиӣ. Таъланган асарлар. -Т.: Ўззадабийнашр, 1960. -189 б.
- Абдуллаев О. Қалбга очилган йўл. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. - 256 б.
- Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. -Бухоро: Наширётсиз, 1994. -34 б.
- Афоқова Н. Шеър, ҳадис, ҳикмат// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1994. -3 июнь.
- Афоқова Н., Фаниев И. Шеър - ҳақиқат даракчиси// Ўзбек тили ва адабиёти. -1997. -5 сент.
- Белинский В. Таъланган асарлар. -Т.: Ўздавинашр, 1975. - 509 б.
- Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. -М.: Наука, 1965. -524 с.
- Бобоев Т. Адабиётшунослика кириш. -Т.: Ўқитувчи, 1979. - 287 б.
- Бобоев Т. Ўзбек шеър тузилиши асосларини ўрганиш. -Т.: ТДПИ, 1991. -38 б.
- Бондарев Ю. Диалоги о формулах и красоте. - М.: Просвещение, 1990. - 224 с.
- Бушмин А. Наука о литературе. Проблемы Суждения. Споры. -М.: Современник, 1980. - 325 с.
- Валиев Б. Инсон ва табиат мадҳи (Шоир А.Орипов шеърларида инсон ва табиат масаласи) // Адабий мерос. -1982. -№ 4 (24). -Б. 104-105.
- Воҳидов Э. Изтироб. -Т.: Ўзбекистон, 1992. - 333 б.
- Воҳидов Р., Ҳонимов М. Шеърият шоир юраги. -Т.: Фан, 1987. - 72 б.
- Воҳидов Э. Ёшлиқ девони. - Т., 1975.
- Ёқубов О. Шоир ҳакила сўз// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1991. -8 март.
- Жабборов А. Ижодкорнинг адабий - тақиълий қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1991. -№ 3. -Б. 3-6.
- Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. -Л.: Наука, 1972. - 401 с.
- Жумабоева С. Шеър заковат// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1985. -19 апр.
- Захридин Муҳаммад Бобур. Асарлар. Уч жилдлик. I-Девон. -Т.: Ўқитувчи, 1987. - 304 б.
- Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. -Т.: Фан, 1974. - 168 б.
- Исҳоқов Ё. Поэтик анъана ва индивидуал услуб// Ўзбек тили ва адабиёти. -1978. -№ 1. - Б. 33-39.
- Куняев С. Поиск, имени своего // Памир. - 1983. - № 4.
- Орагвелидзе Г. В объективе поэзии: Лоик Шерали // Памир. - 1983. - № 6.
- Курбагимадов А. Эстетическая докторина суфизма. -Душанбе: Дониш, 1987. - 108 с.
- Каримов Н. Дунёда диёнат ҳали мавжуддир// Саодат. - 1991. -№ 6. -Б. 35-37.
- Каримов Н. Ҳикмат садолари // Ўзбекистон овози. -1992. -29 янв.
- Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос ҳусусиятлари ва миллӣ истиқлол мағкураси: Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. - Тошкент, 1993. - 49 б.
- Каримов Ҳ. Истиқлол даври шеърияти. - Тошкент: Зарқалам, 2005.
- Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1996. -271 б.
- Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. -Л.: Наука, 1972. - 284 б.

- Лутфий. Девон// Гул ва Навруз. -Тошкент, 1988. -Б. 152-292.
- Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. -Тошкент: Ўқитувчи, 1976. - 664 б.
- Мейлах Б. Талисман. Книга о Пушкине. -М.: Современник, 1984.-317 с.
- Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.-238 б.
- Мамажонов С. Теранълик. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. - 189 б.
- Мамажонов С. Услуб жилолари. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. - 219 б.
- Мамажонов С. Шеърият баҳсида. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. - 215 б.
- Мелиев С. Жонли сўз қулрати// Ёшлик. -1985. -№ 1.
- Мелиев С. Лирик фожелик// Ўзбек тили ва адабиёти -1991. -№3.-Б.7-11.
- Мелиев С. Тилги балиқчанинг фожиаси//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1982. -№ 23. июня.
- Мелиев С. Шеърий сўз ва эстетик таъсир// Ўзбек тили ва адабиёти. -1982. -№ 2. - Б. 27-33.
- Мирвалиев С. Ўзбек адаблари. -Тошкент: Фан, 1993. - 246 б.
- Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. - Тошкент: Истиқол, 2005. - 190 б.
- Муносабат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1998. -24 июль.
- Мухтор А. Ёш дўстларимга. -Тошкент: Ёш гвардия, 1972. - 174 б.
- Навоий ва адабиёти таъсир масалалари. - Тошкент: Фан, 1968. -353 б.
- Навоий ва ижод сабоқлари. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. -232 б.
- Назаров Б. Абдулла Орипов ҳақиқида// Шарқ юлдузи. - 1997. -№11. -Б. 154-162.
- Назаров Б. Севинч лардим - бари Ватаним// Шарқ юлдузи. -1997. -№11.
- Нарбоев Б. Правила жизни и лирической герой в современной Узбекской поэзии (60-70-е годы): Автограф. дис... канд. филол. наук. -Ташкент, 1978. -24 с.
- Нарбоев Б. Икки шоир қаҳрамони // Шарқ юлдузи. -1982. -№ 3. -Б. 156-160.
- Нарбоев Б. Истиқол ва истеъодод тарбияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1996. - 87 б.
- Нарбоев Б. Ҳақиқат ва бадиият қирралари. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. - 264 б.
- Норматов У. Талант тарбияси. -Тошкент: Ёш гвардия, 1980. - 175 б.
- Норматов У. Давр туйғуси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1987. - 96 б.
- Норматов У. Адабиётимизнинг ярим асри. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. - 208 б.
- Норматов У. «Ёшлар ҳақида ўйлар». Тўплам. - Тошкент: Ёш гвардия, 1975. - 208 б.
- Носиров О. Ўзбек адабиётидағазал. - Тошкент, 1968.
- Орзивеков Р. Лирикада кичик жанрлар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. -168 б.
- Орипов А. Митти юлдуз. -Тошкент: Ёш гвардия, 1965. -44 б.
- Орипов А. Кўзларим иўлингда. -Тошкент: Тошкент, 1966. - 54 б.
- Орипов А. Онажон. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1969. - 80 б.
- Орипов А. Руҳим. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. -94 б.
- Орипов А. Ҳайрат. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. -78 б.
- Орипов А. Юртим шамоли: Шеърлар. -Тошкент: Ёш гвардия, 1976. -214 б.
- Орипов А. Юзма-юз. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. - 390 б.
- Орипов А. Нажот қалъаси. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. - 278 б.
- Орипов А. Сурʼат ва сийрат. -Тошкент: Ёш гвардия. -1981. -151 б.
- Орипов А. Йиллар армони. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. -592 б.
- Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. -Тошкент: Ёш гвардия, 1988. - 222 б.
- Орипов А. Ишонч кўпприклиари. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. - 240 б.
- Орипов А. Сен баҳорни согинмадингми? -Тошкент: Ёзувчи, 1991. -32 б.
- Орипов А. Ўзим ҳақимда // Ёшлик. -1992. -№ 7-8. -Б. 16-35
- Ориф А. Ҳаж дафтари. -Тошкент: Шарқ, 1992. - 64 б.
- Орипов А. (Шеърлар) // Халқ сўзи. -1996. - 27 дек.
- Орипов А. Танланган асарлар. 1-том. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.-431 б.
- Орипов А. Танланган асарлар. 2-том. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. -492 б.
- Орипов А. Танланган асарлар. 3-том. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. -382 б.

- Орипов А. Танланган асарлар. 4-том. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001.-381 6.
- Орипов А. Адолат кўзгуси. - Тошкент: Адолат, 2005. - Б. 400.
- Орипов М. Ишқи мажозий ва ишқи ҳизбий. Навоийнома// Сирли шам. -1993. -№ 2. -Б. 5-7.
- Осмонов М.Н. Стиль персидско-таджикской поэзии IX -Х вв. -М.: Наука, 1974. - 269 с.
- Рахимджанов Н. Тенденции развития современной узбекской поэзии (70-80-е годы): Автограф. дисс. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1989. -21 с.
- Рахимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. -Тошкент: Фан, 1979. - 190 б.
- Рахимжонов Н. Инсон қалби жараёнлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1991. -3 май.
- Рахимжонов Н. Шоир ва давр. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. - 184 б.
- Рахимжонов Н. Диний-ахлоқий ғояларнинг бадиий талқинлари// Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2002. - 5-сон. - Б. 7-11.
- Рахимжонов Н. Мустақиллик даври шеъриятининг етакчи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. -2001. - 3-сон. - Б. 9-16.
- Рахимова К. // Ўзбек тили ва адабиёти. -1985. -№ 1. -Б. 65-68.
- Рахимонова М. Абдулла Ориповнинг «Аёл» шетри ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти. - 1997. -№ 4. -Б. 51-52.
- Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. - 214 б.
- Рустамов А. Сўз хусусида сўз. -Т.: Ёш гвардия, 1987. - 156 б.
- Саримсоқов Б. Лирикада бадиий тафсил// Ўзбек тили ва алабиёти. -1992. -№ 5-6. -Б. 10-16.
- Саримсоқов Б. Қоғия ва шеър системаси ҳақида// Ўзбек тили ва алабиёти. -1975. -№ 6. -Б. 36-41.
- Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. -М.: Наука, 1982. - С. 328.
- Султон И. Адабиёт назарияси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1980. -392 б.
- Султон И. Талантнинг бирлаштирувчи қудрати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1991. -29 март.
- Тимофеев Л. Основы теории литературы. -М.: Просвещение, 1966. -478 с.
- Толстой Л.Н. О литературе. -М.: Просвещение, 1976. -764 с.
- Тоғаев О. Маъно - ранг түйту // Шарқ қолдузи. -1977. -№ 4. -Б. 196-200.
- Тұлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қархамон талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. -Тошкет, 1994. -59 б.
- Тұлаков И. Давр, лирик қархамон ва бадиият қирралари // Ўзбек тили ва адабиёти. -1993. -№ 5-6. -Б. 13-18.
- Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. -Тошкент: Фан, 1985. -376 б.
- Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. -Тошкет: Фан, 1966. - 180 б.
- Тўхниев Б. Истиора ва унинг «Кутадгу билиг»даги роли// Адабий Мерос. - Тошкент, 1982. -Т. 1, № 21. -Б. 65-68.
- Тўхниев Б. «Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асари ва туркй фольклор. -Тошкент, 1991. -322 б.
- Улугбек Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. - Тошкент: Фан, 2007. - 196 б.
- Фармонова М. Ҳозирги ўзбек шеъриятида табиатни поэтик талқин қилини усуслари// Адабий мерос. - Т., 1991. - №2. -Б.56-57.
- Фармонова М.М. Концепция природы и человека в узбекской лирике 80-х годов: Автограф. дисс. ... канд.филол. наук. -Ташкент, 1992. -25 с.
- Фиграт. Адабиёт қонидалари. - Т.: Ўқитувчи, 1995. - 109 б.
- Халиёрёв М. Бадиий портрет // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1991. - №3. - Б. 11-13.
- Халиёрёв М. Бадиийлик асосий мезон // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1993. - №1. - Б. 57-61.
- Худойберганов Н. Ҳақиқат ёдудлари: Ўйлар, кузатишлар, баҳслар (Адабий асарлар ҳақида). -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. -309 б.
- Худойберганов Н. Туғёнлар уммонида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1997. - 15 авг.
- Худойберганов Н. Эҳтирос тўлқинлари. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1970. - 328 б..

- Чўлпон. Адабиёт надир? - Тошкент: Чўлпон, 1994. - 240 б.
- Чўлпон. Яна олдим созимни. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. - 573 б.
- Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. - 224 б.
- Шарафиддинов О. Оқ йўл, Абдуллаҳон // Шарқ юлдузи. - 1964. - №5. - Б. 106.
- Шарафиддинов О. Гузаллик излаб. Адабий-танқидий мақолалар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. - 223 б.
- Шарафиддинов О. Талант - ҳалқ мулки. - Тошкент: Ёш гвардия, 1979. - 181 б.
- Шарафиддинов О. Шеърият ва танқидчи // Гулистан. - 1974. - № 3.
- Шарафиддинов О. Шеърият парвози юксакроқ бўлсин // Шарқ юлдузи. - 1977. - №4. - Б. 182-189.
- Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас: (Адабий мақолалар). Тошкент: Ёш гвардия, 1983. - 216 б.
- Шоир итиҳоди. (А.Орипов ижоди ҳакида)// Совет Ўзбекистони. - 1991. - 26 март.
- Шарафиддинов О. Ҳақиқатта садоқат. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. - 416 б.
- Юнусов М. Традиция ва новаторлик. - Тошкент: Фан, 1965. - 209 б.
- Қаршибоев М. Ўнгланмаган тақдир талқини. - Тошкент, 1995. - 30 б.
- Қосимов Я. Тилла балиқчанинг толеи // Шарқ юлдузи. - 1986. - №12. - Б. 182-184.
- Қосимов Я. Эркин ижод ва ижод эркинлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1996. - 30 авг.
- Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янтиланиши жараённи: Филол. фанлари номзоди... автореф. - Тошкент, 1994. - 23 б.
- Қосимов Я. Уйғониш садолари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. - 142 б.
- Қодиров В.А. Ҳозирги замон газаллари поэтикасилинг айрим хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди... автореф. - Тошкент, 1993. - 22 б.
- Кулжонов А. Замонавийлик ва бадиийлик. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. - 255 б.
- Қўшжонов М. «Камалакдек сержило // Йиллар армони. - Тошкент, 1984. - Б. 3-22.
- Қўлжонов М. Онажоним шеърият. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. - 109 б.
- Қўшжонов М., Сувон Мели. Абдулла Орипов. - Тошкент, Манъавият, 2000. - 136 б.
- Қозоқбой Йўлдош. Ёниқ сўз. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
- Ғафуров И. Ям-яшиш дарахт. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. - 158 б.
- Ғафуров И. Дил эркинлиги - Тошкент: Манъавият, 1998. - 130 б.
- Ғафуров И. Жозиба. - Тошкент: Ўздавнавшр, 1970. - 197 б.
- Ғафуров И. Шеърият - курашчагит демак. - Тошкент, 1984. - 222 б.
- Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. - 400 б.
- Ғафуров И. Шеъриятнинг декабри// Ўзбек тили ва адабиёти. - 1988.- №2. - Б. 11-16.
- Ғафуров И. Ўртоқ шоир. - Тошкент: Ёш гвардия, 1975. - 112 б.
- Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. - Тошкент: Фан, 1963. - 173 б.
- Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. - Тошкент, 1961.
- Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида инсонийлик талқинига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1998. - №2. - Б. 43-45.
- Ҳаққулов И. Абадият фарзандлари. - Тошкент: Ёш гвардия, 1990. - 192 б.
- Ҳаққулов И. Айланча ва маҳорат // Навоий ва ижод сабоқлари. - Тошкент, 1981.
- Ҳаққулов И. Занжирбанд шеър қосида. - Тошкент: Юлдузча, 1985. - 224 б.
- Ҳаққулов И. Ибрат ва маҳорат мактаби // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1983. - № 3.
- Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. - Тошкент: Манъавият, 1998. - 159 б.
- Ҳаққулов И. Шеърият - руҳий муносабат. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. - 240 б.
- Ҳаққулов И. Тасаввуб ва шеърият. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. - 184 б.
- Ҳаққулов И. Бадиий сўз шукухи - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. - 184 б.
- Ҳаққул И. Тасаввуб сабоқлари. - Бухоро: Нашириётсиз, 2000. - 144 б.
- Яссавий ким эди? - Тошкент: Ҳалқ мероси, 1994. - 81 б.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Фалсафий-маърифий маъно ва бадий ифода муштарақлиги.....	5
Абдулла Орипов шеъриятида анъанавий лирик жанрлар ва уларнинг мавқеи.....	30
Умумий хуласалар.....	40
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	43

Гулбаҳор Ашуррова

# АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ПОЭТИК МАҲОРАТИ

(Махсус курс учун методик қўлланма)

Иккинчи китоб

Муҳаррир:

Бадиий муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Боқижон Тўхлиев

Беҳбуд Ботиров

Нодир Раҳмонов

Босишга рухсат этилди: 3.12.2010.

Қофоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$  Ҳажми 3,0 б.т.

Адади 300 нусха

Буюртма № 23

Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

«BAYOZ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.  
100100, Тошкент ш., Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103-үй.



## Гулбаҳор Ашуроева Нуруллаевна

Бухоро вилояти Шоғиркон туманида туғилган. Низомий номидаги ТДПУнинг филология факультетини туттатан. Аспирантурада ўқиб, 2008 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг рисола, ўқув услубий қулланмалари ва эллиқдан ортиқ мақолалари чоп этилган. Айни пайтда университетнинг “Ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедрасида фаолият олиб бормоқда.

